301194

Илм — ўзни билмакдир

МАЪРИФАТ

MARIFAT

معرفت

Халқ зиёлилари газетаси | 1931 йилдан чиқа бошлаган | 1994 йил 30 ноябрь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. 54 (6642)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИНИНГ БАРЧА ТУРДАГИ ПЕНСИЯЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминлаш мақсадида:

1. 1994 йилнинг 1 декабридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат пенсиясининг энг оз миқдори ойига 135 сўм қилиб белгилансин.

2. Ҳозирги вақтда амалда бўлган барча турдаги пенсиялар, шунингдек, болаликдан ногиронларга, кекса ва меҳнатга яроқсиз фуқароларга бериладиган нафақалар миқдори 1,2 баравар оширилсин.

3. Мазкур Фармонни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар ижтимоий суғурта жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплансин.

4. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил 28 ноябрь.

Ўзбекистон — Миср

ТАЪЛИМ МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

Истиқлол туфайли таълим тизимини янгилашга, жаҳонда ривожланган мамлакатлар билан ўзаро ҳамкорлик қилишга имкониятлар туғилди. Қисқа даврда республикамизда фан-техника соҳасида қўлга киритилган муҳим ютуқларни бошқа давлатлардан келиб ўрганишмоқда. Айни пайтда Ўзбекистоннинг юзлаб талабалари, олимлар ва муаллимлар Туркия, АҚШ, Германия каби давлатларда бўлиб, илм олмоқда, тажрибалар алмашишмоқда.

Миср Араб Республикасининг таълим вазири доктор Ҳусайн Комил Баҳоуддин жаноблариннинг юртимизга икки кунлик ташрифидан мақсад ҳам Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳамда олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари билан ҳамкорлик қилиш, илғор тажрибаларни оммалаштириб, илм-фан, замонавий техника воситаларини татбиқ этишда биргаликда иш олиб боришдан иборат эканлиги юртимиз илм аҳли, зиёлилари учун яна бир қувонарли ҳолдир.

Туфузли меҳмонни Тошкент аэропортида Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазири Оқил Салимов бошчилигидаги бир гуруҳ олимлар, зиёлилар кутиб олишди. Ўзаро фикрлар алмашувидан сўнг жаноб Ҳусайн Комил Баҳоуддин пойтахтимиздаги бир неча олий ўқув юртларида бўлиб, таълим тизимидаги эришилган ютуқлар, дарс сабоқларини қўздан кечирди.

Куннинг иккинчи ярмида пойтахтимизнинг Хадра майдонидаги 38-бинода Миср Араб Республикаси фан ва таълим марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда жаноб Ҳусайн Комил Баҳоуддин, Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги ишлари бўйича ишончли вакили Абдулғани Муҳаммад Абдулғани, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазири Оқил Умрзоқович Салимов, шунингдек, олимлар ва зиёлилар сўзга чиқишиб, Марказий Осиё республикалари ўртасида Миср Араб Республикаси фан ва таълим марказининг айнан Тошкентда иш бошлаганлиги катта аҳамият касб этишини алоҳида таъкидладилар.

***

25 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Миср Араб Республикасининг мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган таълим вазири Ҳусайн Комил Баҳоуддинни қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов суҳбат чоғида икки давлат ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг, айниқса, маънавий ва маърифий соҳалардаги ҳамкорликнинг кенгайиб бораётганидан мамнуният изҳор этди.

Маросимда Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

Қабул чоғида Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги муваққат ишлар вакили Абдулғани Муҳаммад Абдулғани ҳозир бўлди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ — ЙИЛ ЎҚИТУВЧИСИ

МАЪРИФАТ ҲАЙРАТИ — КЕЛАЖАК ҲАЙРАТИ

- **Бир нафас билан ўтилган дарс**
- **Ўқувчини йиғлатган ўқитувчи**
- **Кимё — келтирар дунё**
- **Нафосат-ла йўғрилган ўтмиш сабоғи**
- **Беллашув мазмунида кураш ва зафар мужассам**

Аввал эслатганимиздек, танлов иштирокчилари ижодий ишлари, компьютер саводхонлиги бўйича синовдан ўтганларидан сўнг, 110-мактаб ўқувчилари ҳузурида дарс ўтиш соҳасидаги иқтидорларини намойиш қилдилар. Биз қуйида 21, 22, 23 ноябрь кунлари ўтилган намунали дарсларга тўхталиб ўтишни жоиз деб билдик.

Очиқ дарсларни кузатиш мобайнида Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги 30-ўрта мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Ҳабиба Рустамованинг болажонлигини дарров илғаб олдик. Сарвқомат, истараси иссиқ бу муаллима билан суҳбатимиз дарс ўтиш услублари, фарзандлар одоби ҳақида бўлди.

— Қаерда бўлмай кўз ўнгимда қишлоғим манзараси — сўқмоқлари, оқар сув бўйлари, кўча чангитиб юрган жажжилари гавдаланаверади. Соғиниш, қишлоққа талпиниш ҳислари ичида она-юрт, табиат ва болаларни севиш тушунчалари ётади. Булар инсон баркамоллигини белгиловчи мезонлардан бири ҳисобланса, у, энг аввало, муаллим сиймосида мужассамланмоғи керак. Чунки ўқитувчи — ўргатувчи, бу тушунчаларни ривож топтириш, болаларда ҳайрат уйғотиш — она диёр туйғусини шакллантириш иштиёқи билан ёнади. Ваҳоланки, бу унинг авлодлар олдидаги бурчи ҳамдир. Иккинчидан, ўқитувчи ўғил-қизларга ўз фарзандидек муомала қилса, улар муаллимга меҳр боғлайди. Дарслар ўқувчиларнинг севимли машғулотига айланади.

Мана, нарпайлик муаллиманинг 2-синф ўқувчилари ҳузурида ноанъанавий очиқ дарси бошланди. Дарс аввалида у ўқувчиларга ўтган мавзу юзасидан, уни куз фаслига боғлаган ҳолда батафсил тушунча берди.

Янги мавзу: "100 ичида қўшиш ва айириш".

— Биз бугунги дарсимизда, — деди муаллима ўғил-қизлар диққатини кўргазмали қуролларга жалб қилиб, — Ердан Қуёш, Ой, Деймос, Фобос, Марс деб номланган сайёра ва митти сайёраларга уч гуруҳга бўлиниб учишимиз лозим экан. Бунинг учун биз гуруҳ раҳбарлари, яъни Наврўз, Улуғбек, Фазо кемалари командирларини сайлашимиз ва ўзга сайёраликлар шартини бажаришимиз лозим (уч командир синф тахтасида мисол ва масалаларни ечишга киришишади). Бошқалар ҳам кемадан қолиб кетмаслиги учун берилган топшириқларни бажаришсин!

— Ҳам ўйин, ҳам дарс — ажойиб услуб! Дарс давом этяпти...

— Болалар, учаяпмиз-у, бироқ бизга Ойга қўниш учун рухсат берилмаяпти. Негаки, уларнинг ҳам бизга қўйган шартлари бор экан. Қани, келган шошиличномани ўқиб кўрайлик...

Ўғил-қизлар шартларни бажаришга жондиллари билан киришадилар. Муаллима уларни гоҳ-гоҳ бекатларда қўшиқ билан дам олдирди, баҳамжиҳатликда бадантарбия қилишди. Фаол ўқувчиларга "4" ва "5" рамзи чизилган совғаларини инъом этди.

— Бир нафас билан ўтилган дарс! — деди ҳакамлар ҳайъати аъзоси Я. Авлоқулов Ҳ. Рустамова маҳоратига баҳо бериб. — Бироқ муаллимадан битта механик хато ўтди. У ўқувчи йўл қўйган хатони пайқамай қолди.

Ҳакамлар қўйган баҳо — одил ва холис. Балки, ҳаяжон бўлмаганида... Очиғи, ҳисҳаяжонда сир-синоат кўп. Усиз болаларни севиб бўлмайди.

(Давоми 2-бетда).

КАТТА БАЙРАМ АРАФАСИДА

Мамлакатимиз ҳаётидаги катта байрам — Ўзбекистон Республикаси бош Қомуси — Конституциямиз қабул қилинган куннинг икки йиллигини нишонлаш арафасида турибмиз. Катта тантана арафасида халқ таълими тизимида ҳам қизғин тайёргарлик ишлари бормоқда.

Бугун Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳамда Республика "Маънавият ва маърифат" маркази ташаббуси билан Республика ўқув-методика марказида "Истиқлол мафкураси ва ёшларни миллий ғурур, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш" мавзуида илмий-амалий анжуман ўз ишини бошлайди. Унда "Тарихий шон-шуҳратимизнинг тикланиши", "Конституция бераётган сабоқлар", "Ёшлар таълим-тарбиясида Конституция мажмуалари", "Ҳуқуқий давлат қуришда Конституциянинг ўрни" каби ўнлаб маърузаларда ўзаро фикрлар алмашилиши кун тартибига киритилган.

Анжуман иштирокчилари пойтахтдаги илғор мактаблар, мактабгача тарбия муассасалари ҳамда ҳунар-техника билим юртларида бўлишиб, илм даргоҳларидаги муҳим янгиликлар, тажриба ва иш усуллари билан ҳам яқиндан танишадилар.

"ЭКОСАН" ХАЛҚАРО ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК ЖАМҒАРМАСИНИ ДАВЛАТ ЙЎЛИ БИЛАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТЎҒРИСИДА

"Экосан" халқаро экология ва саломатлик жамғармаси Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиё минтақаси экология ҳолатини яхшилашга, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга, аҳолининг саломатлигини ҳимоя қилиш ва соғлом зурриётни сақлаб қолишга қаратилган дастурлар ва лойиҳаларни фаоллик билан амалга оширмоқда.

Республика Вазирлар Маҳкамаси "Экосан" халқаро экология ва саломатлик жамғармасини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида" қарор қабул қилди. Мазкур қарорда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига, Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари бўлган бошқа вазирликлар ва идораларга, Халқ таълими вазирлигига олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг ўқув режалари, дастурлари ва услубий қўлланмаларига экология курсини, мактабларнинг ўқув дастурига эса экология тарбия дарсларини киритиш топширилди.

"Экосан" жамғармасининг хайрия фаолиятини кенгайтириш мақсадида унга лотереялар ташкил этиш, маҳсулотлар ва буюмлар ишлаб чиқариш, шунингдек кўргазмалар, санъат усталарининг томошалари ва бошқа тадбирларига чипта ишлаб чиқариш, жамғарма корхона ва ташки отларнинг хизмат ва молларини чет элга чиқариш ва чет элдан маҳсулот келтириш, қўшма корхоналар барпо этиш ҳуқуқи берилди.

Ташқи ишлар вазирлигига, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига, "Ўзулгуржибиржасавдо" уюшмасига халқаро ташкилотлар, молия институтлари, хорижий фирмалар билан алоқаларни, жумладан, тижорат-иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишда, шунингдек, республикадаги экология ҳолатини яхшилашга қаратилган лойиҳаларни пул билан таъминлаш ва амалга ошириш учун сармоядорларни жалб этишда, "Экосан" жамғармасига ҳар томонлама мадад бериш топширилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларига, "Экосан" жамғармаси марказий идораси ҳамда унинг вилоят, шаҳар ва туман бўлимларини жойлаштириш учун бинолар ва ер ажратиб бериш масаласини ҳал қилиш тавсия этилди.

Ўзбекистон Республикаси давлат телекўрсатув ва радиоэшиттириш компаниясига телевидение ва радио дастурларига ҳамда матбуот нашрларига "Экосан" халқаро экология жамғармасининг мақсадлари, вазифалари ва фаолиятини кенг ёритиш учун "Экология ва саломатлик", "Экосан" хабарномаси" деб номланган махсус рукнлар киритиш топширилди.

(ЎзА).

25 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар куни

ДЕПУТАТНИ ХАЛҚ САЙЛАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиялар ва ҳокимият вакиллик органлари томонидан республика Олий Мажлиси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни ҳамда уларнинг тегишли сайлов округларидан номзодлари овозга қўйилиши лозим эканликлари тўғрисидаги аризаларини кўриб чиқди.

Номзодлар орасида халқ таълими ходимлари, адиблар, журналистлар, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги вакиллари, Ўзбекистон Фанлар академиясининг ходимлари, олимлар ва зиёлиларнинг ҳам борлиги қувонарлидир. Уларнинг номзодлари Ўзбекистон Халқ демократик партияси, "Ватан тараққиёти" партиясининг юқори органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан кўрсатилган.

Айтиб ўтиш керакки, номзодлар "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида"ги Қонун мажмуасига асосланиб, халқимизнинг эзгу ниятлари, орзу-умидларини рўёбга чиқаришни ўз фаолиятининг асл мақсади ва бош мазмуни қилиб қўйишган.

Қуйида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига номзодлари кўрсатилган бир гуруҳ зиёлилар билан танишасиз.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА

1-Саноат Рихсиев Маҳкам — Ўзбекистон Телерадиокомпанияси шарҳловчиси, 1935 йилда туғилган, "Ватан тараққиёти" партияси аъзоси, Тошкент шаҳрида яшайди, "Ватан тараққиёти" партиясидан номзоди кўрсатилган.

2-Октепа Халилов Нуритдин Абазович — Тошкент кимё-технология институти кафедра мудири, 1942 йилда туғилган, "Ватан тараққиёти" партияси аъзоси, Тошкент шаҳрида яшайди, "Ватан тараққиёти" партиясидан номзоди кўрсатилган.

3-Акмал Икромов Иброҳимов Неъматулло — Тошкент давлат шарқшунослик институти ректори, 1945 йилда туғилган, партиясиз, Тошкент шаҳрида яшайди, "Ватан тараққиёти" партиясидан номзоди кўрсатилган.

5-Дархон Ўразаев Шавкат Закариевич — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Суди раиси вазифасини бажарувчи, Тошкент давлат юридик институти ректори, 1927 йилда туғилган, партиясиз, Тошкент шаҳрида яшайди, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашидан номзоди кўрсатилган.

6-Улуғбек Раҳмонқулов Миракбар Ҳожи-Акбарович — Ўзбекистон Республикаси Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ректорининг биринчи ўринбосари,1952 йилда туғилган, ЎзХДП аъзоси, Тошкент шаҳрида яшайди, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашидан номзоди кўрсатилган.

7-Қорасув Акназаров Фаррух Амирович — Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш институти факультети декани, 1950 йилда туғилган, Ўз ХДП аъзоси, Тошкент шаҳрида яшайди, ЎзХДПдан номзоди кўрсатилган.

8-Тракторсозлар Пайзиев Эрбўта — Энергетика ва автоматика институти лаборатория мудири, 1939 йилда туғилган, "Ватан тараққиёти" партияси аъзоси, Тошкент шаҳрида яшайди, "Ватан тараққиёти" партиясидан номзоди кўрсатилган.

11-Чуқурсой Шоюсупова Ғолиба — Тошкент давлат университети кафедра мудири, 1931 йилда туғилган, "Ватан тараққиёти" партияси аъзоси, Тошкент шаҳрида яшайди, "Ватан тараққиёти" партиясидан номзоди кўрсатилган.

13-Қорақамиш Жўраев Тўхтамурод Жўраевич — Тошкент давлат университети ректори, 1934 йилда туғилган, партиясиз, Тошкент шаҳрида яшайди, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашидан номзоди кўрсатилган.

16-Машинасозлар ДаминовТурғунпўлат Обидович — Тошкент давлат медицина институти ректори, 1941 йилда туғилган, ЎзХДП аъзоси, Тошкент шаҳрида яшайди, ЎзХДПдан номзоди кўрсатилган.

22-Шайхонтоҳур Қаюмов Азизхон — Республика Фанлар академияси Қўлёзмалар илмий текшириш институти директори, 1926 йилда туғилган, ЎзХДП аъзоси, Тошкент шаҳрида яшайди, ЎзХДПдан номзоди кўрсатилган.

23-Оқлон Каримов Анвар Саидабдуллаевич — Тошкент давлат Техника университетида кафедра мудири, 1935 йилда туғилган, партиясиз, Тошкент шаҳрида яшайди, "Ватан тараққиёти" партиясидан номзоди кўрсатилган.

24-Узоқов Абдуллаев Жўра Абдуллаевич — Республика Фанлар академияси президенти вазифасини бажарувчи, 1927 йилда туғилган, ЎзХДП аъзоси, Тошкент шаҳрида яшайди, ЎзХДПдан номзоди кўрсатилган.

Аловитдинов Асфандиёр Ваҳобович — Тошкент кимё-технология институти профессори, 1939 йилда туғилган, "Ватан тараққиёти" партияси аъзоси, Тошкент шаҳрида яшайди, "Ватан тараққиёти" партиясидан номзоди кўрсатилган.

Расулев Ўткир Ҳасанович — Республика Фанлар академияси Электроника институти директори, 1939 йилда туғилган, ЎзХДП аъзоси, Тошкент шаҳрида яшайди, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашидан номзоди кўрсатилган.

27-Юнусобод Исматова Мавлуда Собировна — 273-лицей-мактаб директори, 1943 йилда туғилган, ЎзХДП аъзоси, Тошкент шаҳрида яшайди, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашидан номзоди кўрсатилган.

Рашидова Сайёра Шараповна — Республика Фанлар академияси Кимё, физика ва полимерлар институти директори, 1943 йилда туғилган, партиясиз, Тошкент шаҳрида яшайди, ЎзХДПдан номзоди кўрсатилган.

28-Чинобод Алиев Акбар Усмонович — Республика Фанлар академияси Астрономия институти директорининг ўринбосари, 1938 йилда туғилган, ЎзХДП аъзоси, Тошкент шаҳрида яшайди, ЎзХДПдан номзоди кўрсатилган.

29-Бошлиқ Назаров Аноркул Мамадович — Давлат Телерадиокомпанияси миллий эстрада оркестри бадиий рахбари, 1950 йилда туғилган, партиясиз, Тошкент шаҳрида яшайди, "Ватан тараққиёти" партиясидан номзоди кўрсатилган.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА

31-Мустақиллик Абдурахмонов Азизбек Ёқубович — Андижон шаҳар халқ таълими бўлими мудири, 1947 йилда туғилган, ЎзХДП аъзоси, Андижон шаҳрида яшайди, Халқ депутатлари Андижон вилояти кенгашидан номзоди кўрсатилган.

33-Шифокор Холиқов Эгамберди — Андижон шаҳар 18-мактаб директори, 1956 йилда туғилган, ЎзХДП аъзоси, Андижон шаҳрида яшайди, ЎзХДПдан номзоди кўрсатилган.

35-Олтинкўл Мирзаева Манзура — Журналистлар уюшмаси Андижон вилояти бўлинмаси раиси, 1952 йилда туғилган, "Ватан тараққиёти" партияси аъзоси, Андижон шаҳрида яшайди, "Ватан тараққиёти" партиясидан номзоди кўрсатилган.

36-Балиқчи Мамадалиев Маҳмуджон — Андижон вилояти телерадиокомпанияси муҳаррири, 1951 йилда туғилган, "Ватан тараққиёти" партияси аъзоси, Андижон шаҳрида яшайди, "Ватан тараққиёти" партиясидан номзоди кўрсатилган.

38-Шаҳрихон Аҳмедов Муҳаммад-Али — Тошкент давлат университети кафедра мудири, 1942 йилда туғилган, парт ясиз, Тошкент шаҳрида яшайди, "Ватан тараққиёти" партиясидан номзоди кўрсатилган.

Қосимов Акмалжон — Андижон давлат университети ректори, 1937 йилда туғилган, ЎзХДП аъзоси, Андижон шаҳрида яшайди, Халқ депутатлари Андижон кенгашидан номзоди кўрсатилган.

40-Истиқлол Иминов Баҳодир Каримович — Андижон иқтисодиёт ва бошқарув институти кафедра мудири, 1945 йилда туғилган, "Ватан тараққиёти" партияси аъзоси, Асака шаҳрида яшайди, "Ватан тараққиёти" партиясидан номзоди кўрсатилган.

46-Қўрғонтепа Аҳмедов Бори — Республика Фанлар академияси Шарқшунослик институти бош илмий ходими, 1924 йилда туғилган, партиясиз, Тошкент шаҳрида яшайди, ЎзХДПдан номзоди кўрсатилган.

49-Избоскан Тиллабоев Р стам Абдусаматович — Андижон давлат Тиллар институти кафедра мудири, 1945 йилда туғилган, "Ватан тараққиёти" партияси аъзоси, Пойтуғ шаҳрида яшайди, "Ватан тараққиёти" партиясидан номзоди кўрсатилган.

52-Куйганёр Умархўжаев Мухтор Эшонхўжаевич — Андижон давлат Тиллар институти ректори, 1943 йилда туғилган, "Ватан тараққиёти" партияси аъзоси, Андижон туманида яшайди, "Ватан тараққиёти" партиясидан номзоди кўрсатилган.

Худойбердиев Толибжон Солиевич — Андижон қишлоқ хўжалиги институти кафедра мудири, 1946 йилда туғилган, ЎзХДП аъзоси, Андижон туманида яшайди, ЎзХДПдан номзоди кўрсатилган.

БУХОРО ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА

53-Бухоро Мўминов Акром Иброҳимович — Бухоро медицина институти ректори, 1937 йилда туғилган, ЎзХДП аъзоси, Бухоро шаҳрида яшайди, ЎзХДПдан номзоди кўрсатилган.

54-Файзулла Хўжаев Ахунова Жамила Файзуллаевна — Бухоро шаҳар 22-мактаб ўқитувчиси, 1959 йилда туғилган, "Ватан тараққиёти" партияси аъзоси, Бухоро шаҳрида яшайди, "Ватан тараққиёти" партиясидан номзоди кўрсатилган.

55-Тўқимачилик Абдуллаева Замира Мирсаъдуллаевна — Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтининг кафедра мудири, 1960 йилда туғилган, ЎзХДП аъзоси, Бухоро шаҳрида яшайди, Халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгашидан номзоди кўрсатилган.

Аҳмедов Бахтиёр Мелибоевич — Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти лаборатория мудири, 1954 йилда туғилган, "Ватан тараққиёти" партияси аъзоси, Когон туманида яшайди, "Ватан тараққиёти" партиясидан номзоди кўрсатилган.

62-Ромитан Шукуров Раззоқ Фаттоевич — Ромитан туман халқ таълими бўлими мудири, 1950 йилда туғилган, ЎзХДП аъзоси, Ромитан туманида яшайди, ЎзХДПдан номзоди кўрсатилган.

63-Шофиркон Абдуваҳобов Абдували Абдусаматович — Республика Фанлар академияси вице-президенти, 1941 йилда туғилган, партиясиз, Тошкент шаҳрида яшайди, ЎзХДПдан номзоди кўрсатилган.

65-Саримжон Муқимов Комил — Бухоро давлат университети ректори, 1940 йилда туғилган, партиясиз, Бухоро шаҳрида яшайди, Халқ депутатлари Бухоро вилояти кенгашидан

(Давоми 2-бетда).

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Қадрли муштарийлар!

1995 йил учун "Маърифат" газетасига обуна барча алоқа бўлимларида қабул қилинмоқда.

"Маърифат"нинг обуна баҳоси:

БИР ЙИЛГА — 194 СЎМ 40 ТИЙИН

ОЛТИ ОЙГА — 97 СЎМ 20 ТИЙИН

УЧ ОЙГА — 48 СЎМ 60 ТИЙИН

Муҳтарам халқ таълими ходимлари, устоз педагоглар, қадрли муаллимлар, доимий ҳамроҳингиз "Маърифат" газетасига обуна бўлишга шошилинг!

МАКТАБ ДОВРУҒИ ОШАДИ

Учқўрғон туманида ташкил этилган 1-гимназия лицей халқпарвар инсон, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Деҳқонбой Раҳимов номи билан аталмоқда. Бу ерда туман мактабларидан тест синови асосида танлаб олинган 189 нафар иқтидорли ўқувчи ўзбек, рус тилларидан ташқари инглиз, араб, лотин тилларини пухта ўзлаштиришяпти. 1-9-синфларга мўлжалланган барча хоналар техник воситалар билан жиҳозланган. Айрим дарслар компьютерлардан фойдаланилган ҳолда ўтиляпти. Билим масканида Деҳқонбой аканинг қаҳ ёйли ва меҳнат фаолиятини акс эттирувчи бурчак ташкил этилган.

Д. Раҳимовнинг фарзандлари — Абдулбосит ва Ҳамиджонлар ўқув даргоҳини ободонлаштириш ва ўқув жараёнини яхшилаш бобида мактаб муаллимларига яқиндан кўмаклашишмоқда. Устознинг қизи, биринчи тоифали ўқитувчи Маъсудахон Раҳимова эса ўғил-қизларга география фанидан дарс бериш билан бирга директор ўринбосари лавозимида ишламоқда. Хуллас, фарзандлар оталари номидаги мактаб довруғини янада юксакларга кўтариш борасида меҳнат қилишяпти.

Б. МАНСУРОВ.

МАЪРИФАТ ҲАЙРАТИ — КЕЛАЖАК ҲАЙРАТИ

(Боши 1-бетда).

Болаларни севиш хусусияти, танловнинг яна бир иштирокчиси Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги 1-ўрта мактабнинг меҳнат ва чизмачилик фани ўқитувчиси Адҳамжон Каримовда ҳам борлиги намоён бўлди. Меҳнат хонасида 6-"Б" синф ўқувчилари. У ерда меҳнат таълими дарсида зарур бўладиган барча асбоб-аслаҳалар бор. Ўғил-қизлар коржомада дарсга шайланиб туришибди.

Мавзу: "Андоза асосида тунукадан турли буюмлар ясаш".

Адҳамжон ўқувчилар билан саломлашиб, ўтган мавзуга қисқача тўхталди. Машғулотни ноанъанавий услубда бошлаб юборди.

— Икки мих (алюминийдан ясалган) ни ким неча зарб билан тахтачагача ўтказа олади? — дея у ўқувчиларга савол назари билан қаради.

Бириси тўрт, иккинчиси беш, учинчиси олти зарб билан, деди. Ўртага ихтиёрий равишда икки ўқувчи таклиф этилди. Зарбларнинг фойдаси бўлмади. Михлар эгилиб қолди. Нега?

Ўқувчиларнинг ўзларидан унинг сабаблари сўралди. Шу зайл мулоқот қизғин тус олди. Ўғил-қизлар "Орзу" ва "Омад" гуруҳларига бўлинди. Гуруҳ аъзолари арчада осилган "ёнғоқча"лар ҳамда акваториумдаги "балиқча"лар ичида яширинган саволларга жавоб бериши, яъни синовлардан ўтиши лозим эди.

Табиийки, ўқувчилар "ёнғоқча"лар ва "балиқча"ларга қизиқиб қолишди. Улар "Зарб берадиган асбобларни кўрсатинг!", "Меҳнат таълими фанининг ҳозирги кунда тутган ўрни ҳақида қандай тушунча бера оласиз?" каби саволларга бурро-бурро жавоб беришди. Натижада "яхши" ва "аъло" баҳо олдилар.

Муаллим жавобларни мустаҳкамлади. Андоза, алюминий, тунука ва шакл чизиш тўғрисида тушунча берди. Алюминийнинг электр токини ўтказувчанлигига ва бошқа хусусиятларига тўхталди. Уни амалда кўрсатди. Тунукадан турли буюмлар ясашда техника хавфсизлигига риоя қилиш, ишни бошлашдан олдин асбоблар яроқлилигини текшириб кўриш лозимлигини қатъий талаб қилди. Тунукаларни кесишда нималарга эътибор бериш зарурлигини диафильмда намойиш этди.

Ўғил-қизлар тунукадан маҳсулот ясашга киришдилар. Дарс охирига қадар рўзғорда ишлатиладиган куракча тайёр бўлди.

Қойил: ҳам билим, ҳам ҳунар! Дарснинг ўзига хослиги ҳам ана шунда эди.

А. Каримов ўзи ихтиро қилган "ТВБ-4" аппаратини ҳамда Тўрақўрғон туманидаги 1-мактаб ўқувчилари ясаган иккита ишланмани 6-"Б" синф ўқувчиларига совға тариқасида ҳадя қилди.

Тўрақўрғонлик муаллим билан суҳбатлашаётган чоғимизда шу синф ўқувчиларидан бири, оқиш рангли бола Адҳамжоннинг ёнига келди.

— Устоз, энди сиз бизда қолиб дарс бера олмайсизми?..

— Йўқ, ўғлим, менинг у томонда сизга ўхшаган ўқувчиларим, фарзандларим бор...

Ўқувчи кўзида ёш ғилтиллади. Фикримизча, бу ҳолат ўқитувчи маҳоратига ўқувчи баҳоси эди. Назаримизда, у бутун синф номидан гапираётгандай туюлди. Негаки, бола синчков бўлади, унинг кўзида ҳамиша ҳақиқат балқиб туради. Демак, хулоса тайин: ўқитувчи ўқувчи меҳрини қозониш учун уларга бутун меҳрини бериши, маҳоратини ишга солиши лозим экан. Адҳамжон Каримов бир соатлик дарс мобайнида бунга эриша билди. Дарсдан кўзланган мақсад ҳам аслида шу эди.

Навбатдаги дарс Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги 11-мактабнинг кимё фани муаллимаси Маҳзуна Сафарованики эди.

— Ҳозир кимё дарси бўлади. Формулалар гирдобига ғарқ бўламиз, — деди ҳакамлар ҳайъати аъзоларидан бири. — Кимё мураккаб фан.

Шу ҳадик билан 8-синфга, очиқ дарсга кирдик. Дарснинг илк дақиқалариданоқ биздаги ҳадик тумандек тарқаб кетди. Ўтилган дарсни мустаҳкамлашда ўқитувчи ўқувчилар билан шу қадар тез киришиб кетдики, гўё биз ҳаммамиз кимё оламида эдик. Кимё ва унинг аҳамиятини ўқитувчи шеър орқали ўқувчиларга тушунтириб берди. Бу синфда ўтирганларга бирдай таъсир қилди.

Очиғи, кимё дарсини бундай содда, ҳаммага тушунарли услубда ўтилишини энди кўришимиз эди. Бошқа жимжимадор ясама услублардан Маҳзуна Сафарованинг дарси минг марта аъло кўринди. Кимёга ўқувчилар билими доирасида, бундай содда ва оммабоп ёндашув бутун дарснинг асосий мезони бўлди.

Ўқитувчи янги мавзуга ўтди: "Кислоталар".

У дарс бошидаги соддалик ва самимиятни шу мураккаб мавзуни ўтишда ҳам сақлаб қола олармикин, деган фикр кечди хаёлимиздан. Ва бу саволимизга тезда жавоб олдик. Ўқитувчи мавзуни тушунтиришни антиқа йўлдан бошлади. Аввало ўқувчиларга таниш бўлган, лекин улар унинг кислота эканлигидан бехабар бўлган нарсаларни санади. Лимон кислотаси, довуччадан олинадиган оқ салат кислотаси, чумоли кислотаси, сирка кислотаси. Бу ўқувчиларда ёрқин тасаввур уйғотди. Ва шу асос яратилгандан кейингина ўқувчиларга мураккаб, кимёвий усуллар билан олинадиган кислоталар ҳақида тушунча берилди.

Ўша куни нафақат ўқитувчилар, балки кимёни мураккаб фан деб билгувчи ҳакамлар ҳайъати ҳам дарс давомида мароқланиб, завқланиб ўтиришди.

Ўқитувчининг вазифаси — қандай бўлмасин ўқувчини жалб эта билиш, уни фани оламига олиб кириш. Шу вазифани Маҳзуна Сафарова тўла уддалади.

Ҳақиқий санъаткорда туғма қобилият бўлиши керак, дейишади. Аслида ўқитувчилик-да санъат. Ва ҳақиқий ўқитувчи бўлиш учун ҳам туғма қобилият зарур. Биз Фарғона вилояти Бағдод туманидаги 20-ўрта мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Тўлқиной Халилованинг дарсига кирар эканмиз, ана шу истеъдоднинг гувоҳи бўлдик. Бир каттадан, бир кичикдан деган гап бор. Рости, танловнинг ёш иштирокчиси бўлган Тўлқинойнинг дарсига барчамиз ўзгача қизиқиш билан кирдик.

9-синфда тарих дарси. Илк дақиқаларданоқ ўқитувчи нафақат ўқувчиларни, балки дарсни кузатаётган ҳакамлар ҳайъати аъзоларини ҳам ўзига қаратиб олди. Ўтилган мавзуни сўраща Тўлқиной ўзига хос йўл тутди. Уни "Матбуот мулоқоти" сифатида ташкил этди. "Минбар"да ўтирган тўрт "мутахассис" "мухбир"лар берган саволларга жавоб беришди. Ўзларини ҳақиқий мутахассис ва мухбир деб ҳис қилган ўқувчиларда қандайдир фаоллик пайдо бўлди. Бу фаолликдан ўқитувчи унумли фойдаланди.

Янги мавзу: "Қўқон хонлиги". Тўлқиной Халилова фақаттина фарғоналик бўлгани учунгина эмас, балки мавзуни чуқур билгани учун ҳам, дарсни жуда қизиқарли ўтди. Зеро, мукаммал дарс педагогик маҳорат билан юқори билим даражасининг уйғунлашуви ҳисобланади.

Мавзу дарсликда анча қисқа берилган. Ўқитувчи эса ўқувчиларга янги, жуда қимматли маълумотлар берди. Хонликнинг бошқаруви, бекликлари, мулкий бўлиниши тўғрисидаги маълумотлар барчани қизиқтириб қўйди. Кенгаш, девонбеги, амири лашкар, беклар беги, муфти, қози, аълам, ҳудайчи, вақф, улуша каби сўзлар ўқувчилар учун янгилик эди.

Дарс давомида техник воситалар ҳамда кўргазмали қуроллардан унумли фойдаланилди. Водий фарзандлари азалдан шоиртабиат, адабиётпеша ҳисобланади. Тўлқинойда ҳам худди шундай фазилат мавжуд экан. Қўқон хонлиги ҳақида ўқилган шеърий парчалар дарсга ажиб руҳ бахш этди.

Дарснинг фаол ўқувчиси белгиланиши ва унинг тақдирланиши ҳам жуда яхши чиқди. 45 дақиқалик сабоқ тугади. Ва бу қирқ беш дақиқа ўқувчиларни тарих оламига, ўтмишимизнинг ўзига хос рангин лаҳзаларига олиб кирди. Тўлқинойнинг мақсади ҳам шу эди.

Биз барча дарсларда иштирок этдик. Қундуз Дадамуротовадаги масъулият ҳисси, Хуррамтош Бўроновадаги замонавийлик, Маҳзуна Сафаровадаги самимийлик, Тоҳир Рўзибоевдаги табъи назм, Адҳамжон Каримовдаги илмий теранлик, Жамила Болтабоевадаги тиришқоқлик, Шаробиддин Ҳасановдаги қувваи ҳофиза, Тўлқиной Халиловадаги интилувчанлик, Севара Аминовадаги рангинлик, Ҳабиба Рустамовадаги фидойилик, Самандар Матёқубовдаги нафосатлилик, Мақсуда Салимовадаги эркинлик, Оқилбек Жодигаровдаги изланувчанлик, София Қурбоновадаги камтарлик фазилатлари ҳамма-ҳаммани ўзига ром этди. Бу вилоят ғолибларининг тўрт кун мобайнида кечган ҳам ҳадикли, ҳам завқли дамларида ҳамнафас бўлдик, дарсда, саҳнада гўё бирга яшадик. Сездикки, улар қалбида илм равнақига ҳисса қўшиш ҳамда устозлик касбини шарафлаш иштиёқи бор эди. Буни фақат қутламоқ, олқишламоқ керак.

24 ноябрни танлов иштирокчилари таърифлаб бўлмас ҳаяжон билан кутар эди. Негаки, саҳнага чиқишлар икки томонлама баҳоланар, бириси республика халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти ректори Ғайрат Шоумаров бошчилигидаги ҳакамлар ҳайъати бўлса, иккинчиси зални тўлдириб ўтирадиган томошабинлар эди.

Киночилар уйи саҳнаси ҳар қачонгидан ҳам бежирим, чиройли безатилган. Саҳнанинг чап бурчида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг муаллимларни шарафловчи "Ўз-ўзини эл ишига бағишлаган, инсон тарбиясига жон тиккан олижаноб ўқитувчиларни, мўътабар муаллимларни бундан буён ҳам бошимизга кўтарамиз" сўзлари битилган. Саҳнанинг икки томонида танловга ҳомийлик қилаётган ташкилотлар, фирмалар номлари катта ҳарфлар билан ёзиб қўйилган. Ва ниҳоят, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси сухандонлари Дилором Умарова ва Муслимбек Йўлдошевлар бугунги босқичнинг уч турда ўтишини ва унинг шартларини эълон қилишди.

Биринчи тур шартига кўра, вилоят ғолиблари ўз фанини ҳимоя қилиш билан бирга зал билан ишлай олиш маҳоратларини кўрсатишлари лозим эди. Тоҳир Рўзибоев, Ҳабиба Рустамова, Тўлқиной Халилова, Шаробиддин Ҳасановлар залдаги одамларни зўр маҳорат билан ишлатиб, фанини ҳимоя қилдилар. Бошқа иштирокчилар бу шартни белгиланган вақтда бажара олмай баллари камайишига сабаб бўлдилар.

Иккинчи тур, яъни педагогик вазиятдан чиқиб ке ишда София Қурбонова, Маҳзуна Сафарова, Шаробиддин Ҳасановлар яловбардор бўлишди. Бу чиқишларда айрим иштирокчилар жавобларини мукаммал қилишга интилишди... Иккала шартни ҳам ҳакамлар ҳайъати 6 балли тизимда баҳолаб борди.

Ўзбекистон Республикаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси халқ артисти Ғуломжон Ёқубов, педагог-санъатқор Ҳожиакбар Ҳамидов, хушовоз хонандалар Миразиз Муҳаммедов, Азим Муллахоновлар жонбахш ашулалари билан вилоят ғолиблари руҳини кўтариб туришди.

Учинчи тур "Менинг севимли машғулотим" деб номланди. Бунда иштирокчилар иккинчи истеъдодларини намоён қилдилар. Бироқ бу танловда иккинчи истеъдод балл тизимда баҳоланмади. Масалан, А. Каримовнинг севимли шоиримиз Эркин Ваҳидовнинг "Матмусанинг дутори" шеърига назира тарзида ёзган "Матмусанинг ўтмиши" шеъри, Т. Рўзибоевнинг боғбонликни санъат даражасига кўтариши, Х. Бўроновнинг ижодкорлиги, Ҳ. Рустамовнинг ўз шеърига куй басталаб айтган қўшиғи, М. Салимовнинг чеварлик ва гулдаста ясаш санъати, Ж. Болтабоевнинг қўшиқ айтиш маҳорати, Ш. Ҳасановнинг спортчи, моҳир журналист, уста актёр эканлиги, С. Матёқубовнинг дурадгор уста бўлиш билан бирга машҳур санъаткорлар овозига тақлид қила билиш иқтидори, М. Сафарованинг халқона урфлару қўшиқларга муҳаббати, С. Аминованинг анъана ва қадрият тушунчасини ўқувчилар билан биргаликда эъзозлаётгани, "Лола" қизлар тўғарагини тузиб, Бухоро зардўзлари анъанасини давом эттираётгани, С. Қурбонованинг каштачилик, тикувчилик соҳасидаги фаолияти ёки унинг чанг асбобида "Яллама ёрим" куйи ижроси, О. Жодигаровнинг машҳур "Мустаҳзод"га тушган рақси, Қ. Дадамуротованинг чеварлик, бичиқчилик соҳасидаги истеъдоди, Т. Халилованинг хотин-қизларга бағишлаб ёзган "Туроним аёллари" шеъри алоҳида мукофотга лойиқ эмасми? Очиғи, ўқитувчининг бошқа соҳалардаги иқтидори дарс ўтиш маҳорати билан биргаликда баҳоланиши шарт. Ваҳоланки, бу кўпчиликнинг фикри.

Баъзи бир жузъий камчиликларга қарамасдан, кўрик-танлов жозибали ва қизиқарли ўтди. Беллашув якунига кўра, Фарғона вилояти Бағдод туманидаги 20-ўрта мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Тўлқиной Халилова биринчи, Андижон вилояти Андижон туманидаги 13-ўрта мактаб она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Шаробиддин Ҳасанов иккинчи, Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 134-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Қундуз Дадамуротова учинчи ўринларни эгалллашди. Улар вазирликнинг I, II, III даражали дипломлари ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди. Шунингдек, ғолибларга ва танловнинг барча иштирокчиларига ҳомийлар томонидан таъсис этилган мукофотлар тақдим этилди.

Танлов якунланди. Тўрт кун биз ҳайратлар уммонининг мавжлари аро кўмилдик. Бу ҳайрат-маърифат ҳайрати. Демакки, келажак ҳайрати.

Танлов якунланди. Ғолиблар кўриги бўлди. Ғолиблар ичра мағлуб бўлмайди. Уч кун ичидаги 14 дарснинг ҳар бири маорифимиз келажагининг алоҳида мезонлари бўлади, десак муболаға бўлмас.

Танлов якунланди. У яна давом этади. Зеро, истиқлол йўлда экан, уни нурафшон этгувчи машъалдорлар-да керак. Иқтидорли машъалдорлар. Муаллимлар...

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ,
Асқар ШОКИРОВ,
"Маърифат"нинг махсус мухбирлари.
СУРАТЛАРДА: кўрик-танловдан лавҳалар. Ҳ. СОЛИҲОВ ва Х. МИРЗАКАРИМОВ олган суратлар.

ТАҲЛИЛЛАР, ХУЛОСАЛАР, ТАКЛИФЛАР

Яшнарбек АВЛОҚУЛОВ,
Шаҳрисабз шаҳар Амир Темур номидаги 1-ўрта мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси:

"Йил ўқитувчиси-94" кўрик-танлови менда катта таассурот қолдирди. Бу танлов йиллар ўтгани сайин ҳам шаклан, ҳам мазмунан бойиб бораётганининг гувоҳи бўлдим. 1994 йилги танлов ўзига хослиги билан олдингиларидан тамомила фарқ қилди. Иштирокчиларнинг ҳар бири бир олам... Улар танловга катта тайёргарлик билан келишгани маълум бўлди. Ҳакамлар ҳайъати аъзоси сифатида, тўғриси, уларни баҳолаш мен учун жуда қийин кечди. Ўн тўрт ўқитувчининг дарсини кузатдим, бир-бирига ўхшамас, бир-бирини такрорламас дарслар. Бир соатлик дарс деб бир машинага юк бўлгудек кўргазмали қуролларни олисдан олиб келишни мен фақат касбга бўлган фидойилик деб баҳолаган бўлардим. Танлов қатнашчилари учун танланган шаҳардаги 110-мактаб ҳам таҳсинга сазовор. Ўқувчиларнинг билимдонлиги, "бир соатлик ўқитувчи"лари билан худди ўз устозларидек эркин мулоқотда бўлишлари ҳам қувонарлидир. Зўрдан зўр чиқади деган гап бор халқимизда. Биз 1994 йилнинг энг яхши ўқитувчиларини аниқладик. Биринчи ўрин сохибаси фарғоналик муаллима Тўлқиной Халиловада ўқитувчига хос камтаринлик, билимдонлик хислатларини кўрган бўлсак, андижонлик ҳамкасбимиз Шаробиддин Ҳасановда болажонлик, шеъриятга шайдолик кучли эканлигини сездик. Пойтахтлик мураббия Қундузой Дадамуротованинг уддабуронлиги, яхшигина чеварлиги бизни ўзига ром этди. Истагим, янаги йилда танлов шартларига иштирокчиларга маълум бўлмаган бир-икки шарт киритилса. Шу шартлар орқали ўқитувчининг қисқа вақт ичида маҳоратини билиш мумкин. Ҳайъат аъзоларига олдиндан тақдим этиладиган рефератлар масаласи ўйлаб кўрилса. Ҳамма иштирокчилар бир жойда, бир вақтнинг ўзида шу рефератни ёзишга киришса. Шунингдек, республика танловини вилоятларда ҳам ўтказишни синаб кўриш керак, деган фикрдаман.

Мадаминжон САИДОВ,
Асака туманидаги 36-мактабнинг кимё фани ўқитувчиси, "Йил ўқитувчиси-93" республика кўрик-танлови совриндори:

— Ўтган йилги кўрик-танловда иккинчи ўринни эгаллаганман. Танловнинг ҳис-ҳаяжонларини бошимдан ўтказганман. Бу гал ҳакамлар ҳайъати таркибида иштирок этдим. Аввало шунга амин бўлдимки, ёш мустақил давлатимизда таълим-тарбия соҳасидаги изланишлар узлуксиз давом этмоқда. Бу нарса қатнашчилар дарсларидаги услубий хилма-хилликларда, уларнинг серқирра ижодкорлик фаолиятларида намоён бўлди. Ҳар бир иштирокчи ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб турди. Айниқса, Фарғона, Андижон, Сурхондарё, Тошкент, Жиззах вилоятлари вакиллари дарс ўтишда ўзларини юксак маҳорат эгаси сифатида кўрсата билдилар.

Энди танловни ўтказишга доир баъзи бир фикрларимни билдирмоқчиман. Аввало, қатнашчилар ёшини қирқ ёш билан чегаралаш, яъни низомда белгилаш унчалик мақбул эмас. Зотан, ўқитувчи ақлий, руҳий жиҳатдан ҳам қирқ ёшда тўла шаклланади, ўзи тўплаган тажрибаларни яққол намоён қилиш имкониятига эга бўлади. Менимча, ўқитувчиларга эллик ёшгача танловда қатнашиш ҳуқуқини бериш керак. Шунингдек, қатнашчи ҳужжатларини баҳолаш ҳам унчалик тўғри эмас. Чунки бу рефератларни ўқитувчининг айнан ўзи ёзганлигига кафолат йўқ.

Муаллим истеъдодининг иккинчи қирраси бўлмиш эркин мавзулардаги чиқишлар тўла баҳоланиши шарт. Кейинги танловларда бу фикрлар инобатга олинади, деган умиддаман.

Маҳзуна САФАРОВА,
Сурхондарё вилояти "Йил ўқитувчиси-94" кўрик-танлови ғолиби:

— Бу йил мен учун омадли бўлди. Вилоятда фахрли биринчи ўринни эгалладим. Республика кўрик-танловида иштирок этдим. Дўстлар орттирдим. Мамнунман.

Беллашувнинг тест синови — ўқитувчининг компьютер саводхонлигини аниқлаш шарти бўйича эътирозим бор. Масалан, мен компьютернинг ички тузилишини билмайман. Ёхуд муҳандис эмасман. Фикримча, муаллим дарсда белгиланган дастурни ишга тушириб билмоғи лозим. Хуллас, танловнинг шу қисмига бирор-бир аниқлик киритилиши ва у келгуси йили низомда қайд қилиниши лозим.

М. ҚУРБОНБОЕВ,
журналист:

— "Йил ўқитувчиси-94" кўрик-танлови катта тантанага, тўйга айланиб кетди, десак муболаға бўлмас. Танлов иштирокчилари Киночилар уйи саҳнасида бор иқтидорларини намойиш этишди. Санъаткорлар эса уларни руҳан қўллаб турди.

Халқимизда кўнгилга таскин берадиган "Тўй камчиликсиз ўтмайди" деган ибора бор. Мазкур танлов бу жиҳатлардан холи бўлмади. Масалан, тантананинг сўнгги куни танаффусларсиз ўтилгани боис, Киночилар уйи ёнида ҳар хил пиширириқлар савдоси ташкил этилиши зарур эди. Бу нарсага эҳтиёж шу куни яққол сезилиб турди. Ваҳоланки, беллашув ташкилотчилари бундай имкониятга эга. Келгусида бўладиган тадбирларда масаланинг бу томонлари унутилмаслиги тарафдоримиз.

ДЕПУТАТНИ ХАЛҚ САЙЛАЙДИ

(Боши 1-бетда).

номзоди кўрсатилган

66-Ғиждувон Ҳожиева Ойдин — "Саодат" журнали бош муҳаррири, 1942 йилда туғилган, партиясиз, Тошкент шаҳрида яшайди, ЎзХДП дан номзоди кўрсатилган.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА

72-Зомин Суюнов Азим Алимович — "Ўзбекистон овози" бош муҳаррири, 1948 йилда туғилган, ЎзХДП аъзоси, Тошкент шаҳрида яшайди, ЎзХДПдан номзоди кўрсатилган.

73 — Мирзачўл Нишонов Содик Аҳматович — Жиззах давлат педагогика институти ректори, 1936 йилда туғилган, Ўз ХДП аъзоси, Жиззах шаҳрида яшайди, ЎзХДП дан номзоди кўрсатилган.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА

86-Истиқлол Расулов Абдулла Нуриддинович — Наманган давлат университети факультет деканининг ўринбосари, 1959 йилда туғилган, "Ватан тараққиёти" партияси аъзоси, Наманган шаҳрида яшайди, "Ватан тараққиёти" партиясидан номзоди кўрсатилган.

88-Сардоба Инамова Карима — Наманган медицина билим юрти директори, 1942 йилда туғилган, ЎзХДП аъзоси, Наманган шаҳрида яшайди, ЎзХДПдан номзоди кўрсатилган.

89-Задарё Аъзамов Абдулла — Наманган давлат университети ректори, 1947 йилда туғилган, "Ватан тараққиёти" партияси аъзоси, Наманган шаҳрида яшайди, "Ватан тараққиёти" партиясидан номзоди кўрсатилган.

94-Тўрақўрғон Мунавваров Абдурашид Қаҳҳорович — Наманган давлат университети факультети декани, 1946 йилда туғилган, "Ватан тараққиёти" партияси аъзоси, Наманган шаҳрида яшайди, "Ватан тараққиёти" партиясидан номзоди кўрсатилган.

Юсупов Иброҳимжон Юнусович — Наманган давлат университети факультет декани, 1942 йида туғилган, ЎзХДП аъзоси, Тўрақўрғон шаҳрида яшайди, ЎзХДПдан номзоди кўрсатилган.

96-Уйчи Солиев Аҳмаджон — Наманган муҳандис-иқтисод институти кафедра мудири, 1940 йилда туғилган, "Ватан тараққиёти" партияси аъзоси, Наманган шаҳрида яшайди, "Ватан тараққиёти" партиясидан номзоди кўрсатилган.

98-Учқўрғон Курбоналиев Ҳасанбой — Учқўрғон туманидаги 20-мактаб директори, 1938 йилда туғилган, ЎзХДП аъзоси, Учқўрғон туманида яшайди, Халқ депутатлари Наманган вилояти кенгашидан номзоди кўрсатилган.

101-Чуст Файзуллаев Турсунбой — Наманган давлат университети проректори, 1944 йилда туғилган, "Ватан тараққиёти" партияси аъзоси, Наманган шаҳрида яшайди, "Ватан тараққиёти" партиясидан номзоди кўрсатилган.

102-Янгиқўрғон Мақсудов Муҳаммаджон — вилоят телерадиокомпанияси раиси, 1957 йилда туғилган, Ўз ХДП аъзоси, Наманган шаҳрида яшайди, Халқ депутатлари Наманган вилоятидан номзоди кўрсатилган.

103-Заркент Отажонов Собиржон — Янгиқўрғон туманидаги 30-мактаб директори, 1940 йилда туғилган, ЎзХДП аъзоси, Янгиқўрғон туманида яшайди, Ўз ХДПдан номзоди кўрсатилган.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА

106-Сиёб Йўлдошева Гулнора Ботировна — Республика "Соғлом авлод учун" жамғармаси бошқаруви раиси, 1935 йилда туғилган, ЎзХДП аъзоси, Тошкент шаҳрида яшайди, ЎзХДПдан номзоди кўрсатилган.

107-Сўғдиёна Абдуллаев Ражаб — Самарқанд кооператив институти кафедра мудири, 1935 йилда туғилган, "Ватан тараққиёти" партияси аъзоси, Самарқанд шаҳрида яшайди, "Ватан тараққиёти" партиясидан номзоди кўрсатилган.

Ҳасанова Зевар Забиевна — Самарқанд шаҳар Темирйўл туманидаги 14-мактаб директори, 1949 йилда туғилган, ЎзХДП аъзоси, Самарқанд шаҳрида яшайди, Халқ депутатлари Самарқанд вилоятидан номзоди кўрсатилган.

108-Беруний Пардаев Мамаюнус Қаршибоевич — Самарқанд кооператив институти кафедра мудири, 1948 йилда туғилган, "Ватан тараққиёти" партияси аъзоси, Самарқанд шаҳрида яшайди, "Ватан тараққиёти" партиясидан номзоди кўрсатилган.

109-Булунғур Жўрабоев Анвар — "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталарининг бош муҳаррири, 1948 йилда туғилган, партиясиз, Тошкент шаҳрида яшайди, Халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгашидан номзоди кўрсатилган.

Яхшиликов Жўрабой Яхшиликович — Самарқанд давлат университети кафедра мудири, 1953 йилда туғилган, "Ватан тараққиёти" партияси аъзоси, Самарқанд шаҳрида яшайди, "Ватан тараққиёти" партиясидан номзоди кўрсатилган.

110-Ғўзалкент Бойбеков Мухтор Турдиевич — 35-ўрта ҳунар-техника билим юрти директори, 1953 йилда туғилган, партиясиз, Ғўзалкент туманида яшайди, "Ватан тараққиёти" партиясидан номзоди кўрсатилган.

112-Иштихон Қосимов Эркин — Тошкент кимё-технология институти кафедра мудири, 1954 йилда туғилган, "Ватан тараққиёти" партияси аъзоси, Тошкент шаҳрида яшайди, "Ватан тараққиёти" партиясидан номзоди кўрсатилган.

113-Каттақўрғон Қурбонов Амин Шарипович — Самарқанд давлат университети профессори, 1937 йилда туғилган, "Ватан тараққиёти" партияси аъзоси, Жомбой шаҳрида яшайди, "Ватан тараққиёти" партиясидан номзоди кўрсатилган.

116-Нуробод Ибодуллаев Жаҳонгир — Самарқанд давлат университетининг кафедра мудири, 1948 йилда туғилган, "Ватан тараққиёти" партияси аъзоси, Самарқанд шаҳрида яшайди, "Ватан тараққиёти" партиясидан номзоди кўрсатилган.

121-Самарқанд Шарапов Шамсуддин Шарапович — Республика олий педагогика институти директори, 1938 йилда туғилган, "Ватан тараққиёти" партияси аъзоси, Тошкент шаҳрида яшайди, "Ватан тараққиёти" партиясидан номзоди кўрсатилган.

123-Тайлоқ Ширинқулов Тошпўлат Ширинқулович — Ўзбекистон Фанлар академияси Самарқанд бўлими бошлиғи, 1937 йилда туғилган, ЎзХДП аъзоси, Самарқанд шаҳрида яшайди, Халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгашидан номзоди кўрсатилган.

125-Қўйқишлоқ Бўриев Мусурмон — Самарқанд давлат университети доценти, 1951 йилда туғилган, "Ватан тараққиёти" партияси аъзоси, Самарқанд шаҳрида яшайди, "Ватан тараққиёти" партиясидан номзоди кўрсатилган.

126-Қоратепа Неъматов Исҳоқжон — Самарқанд давлат университети доценти, 1951 йилда туғилган, "Ватан тараққиёти" партияси аъзоси, Ургут туманида яшайди, "Ватан тараққиёти" партиясидан номзоди кўрсатилган.

Умарова Дилбар Аҳмадовна — Ургут тумани 84-мактаб ўқитувчиси, 1960 йилда туғилган, ЎзХДП аъзоси, Ургут туманида яшайди, ЎзХДПдан номзоди кўрсатилган.

127-Челак Алиқулов Эрлис — Самарқанд давлат университети кафедра мудири, 1939 йилда туғилган, "Ватан тараққиёти" партияси аъзоси, Самарқанд шаҳрида яшайди, "Ватан тараққиёти" партиясидан номзоди кўрсатилган.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА

135-Сардоба Норматов Фарҳод Бошбекович — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Сирдарё вилоятидаги ўз мухбири, 1954 йилда туғилган, "Ватан тараққиёти" партияси аъзоси, Гулистон шаҳрида яшайди, "Ватан тараққиёти" партиясидан номзоди кўрсатилган.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА

139-Ангор Норбоева Шарофат Маматқуловна — Ангор тумани "Мустақиллик" жамоа хўжалиги болалар боғчаси мудираси, 1957 йилда туғилган, ЎзХДП аъзоси, Ангор туманида яшайди, Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти кенгашидан номзоди кўрсатилган.

142-Темирйўл Тўраев Назар Йўлдошевич — Термиз давлат университети ректори, 1938 йилда туғилган, ЎзХДП аъзоси, Термиз шаҳрида яшайди, Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти кенгашидан номзоди кўрсатилган.

145-Шўрчи Аъзамов Эркин Норматович — Республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази раҳбарининг ўринбосари, "Тафаккур" ойномаси муҳаррири, 1950 йилда туғилган, партиясиз, Тошкент шаҳрида яшайди, ЎзХДПдан номзоди кўрсатилган.

148-Денов Ғаффоров Рауф — Қишлоқ хўжалигини ирригациялаш инженерлари институти доценти, 1946 йилда туғилган, "Ватан тараққиёти" партияси аъзоси, Тошкент шаҳрида яшайди, "Ватан тараққиёти" партиясидан номзоди кўрсатилган.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА

152-Кончи Соғинов Нурмат — А. Авлоний номли Республика ўқитувчилар малакасини ошириш Марказий институти кафедра мудири, 1958 йилда туғилган, "Ватан тараққиёти" партияси аъзоси, Тошкент шаҳрида яшайди, "Ватан тараққиёти" партиясидан номзоди кўрсатилган.

154-Олмалиқ Шупиков Петр Фёдорович — Олмалиқ шаҳар босмахонаси директори, 1954 йилда туғилган, партиясиз, Олмалиқ шаҳрида яшайди, ЎзХДПдан номзоди кўрсатилган.

162-Чорвоқ Акрамов Акмал Акрамович — Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институти кафедра мудири, 1933 йилда туғилган, "Ватан тараққиёти" партияси аъзоси, Тошкент шаҳрида яшайди, "Ватан тараққиёти" партиясидан номзоди кўрсатилган.

167-Бўка Қосимов Анвар Маҳмудович — Тошкент давлат шарқшунослик институти кафедра мудири, 1936 йилда туғилган, "Ватан тараққиёти" партияси аъзоси, Тошкент шаҳрида яшайди, "Ватан тараққиёти" партиясидан номзоди кўрсатилган.

168-Зангиота Ҳошимов Ўткир — "Шарқ юлдузи" журналининг бош муҳаррири, 1941 йилда туғилган, партиясиз, Тошкент шаҳрида яшайди, Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашидан номзоди кўрсатилган.

173-Қуйичирчиқ Бобоев Ҳалимбой — Тошкент давлат юридик институти ректорининг ўринбосари, 1942 йилда туғилган, партиясиз, Тошкент шаҳрида яшайди, Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашидан номзоди кўрсатилган.

Сон Леонид Николаевич — "Народное слово" газетасининг бўлим муҳаррири, 1950 йилда туғилган, "Ватан тараққиёти" партияси аъзоси, Тошкент шаҳрида яшайди, "Ватан тараққиёти" партиясидан номзоди кўрсатилган.

176-Гулбаҳор Йўлдошев Шукрулло Убайдуллаевич — Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги академияси вице-президенти, 1935 йилда туғилган, ЎзХДП аъзоси, Тошкент шаҳрида яшайди, ЎзХДПдан номзоди кўрсатилган.

Абдусаломов Муҳаммадамин — "Ўзистиқболстат" иқтисодиёт институти директори, 1940 йилда туғилган, ЎзХДП аъзоси Тошкент шаҳрида яшайди, Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашидан номзоди кўрсатилган.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА

184-Фарғона Абдуллаев Эркинжон Абдуллаевич — Фарғона давлат университети проректори, 1940 йилда туғилган, партиясиз, Фарғона шаҳрида яшайди, ЎзХДПдан номзоди кўрсатилган.

185-Қиргули Харасова Ольга Анатольевна — қиргули туман халқ таълими бўлими инспектори, 1955 йилда туғилган, ЎзХДП аъзоси, Фарғона шаҳрида яшайди, ЎзХДПдан номзоди кўрсатилган.

186-Бешариқ Кенжаева Офтобхон — Бешариқ туманидаги 3-мактаб директори, 1955 йилда туғилган, ЎзХДП аъзоси, Бешариқ туманида яшайди, Халқ депутатлари Фарғона вилояти кенгашидан номзоди кўрсатилган.

189-Жалоер Нишонов Юсубжон — Фарғона давлат университети медицина маркази кафедра мудири, 1946 йилда туғилган, ЎзХДП аъзоси, Бувайда туманида

«Маърифат» хабарлари

НОДИРАБЕГИМ САҲНАДА

Мумтоз шоира Нодирабегимнинг ҳаёти, унинг яратган улкан мероси, тақдири мана юз йилдирки, ижодкорларни ҳаяжонга солиб келади. Шаҳрихон шаҳридаги Обид Содиқов номидаги 2-лицей мураббийлари ва талабалари маҳаллий муаллиф қаламига мансуб "Нодирабегим" драмасини саҳнага олиб чиқишди. Нодирабегим — Моҳларойимнинг ёшлик чоғлари, Амир Умархон билан ўтган сурурли дамлари, кейинги аянчли тақдири қаламга олинган мазкур саҳна асари театр шинавандалари томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Спектаклни иқтидорли режиссёр Ҳафизахон Акбарова саҳналаштирган. Асардаги асосий образларни Валижон Исмонов, Жўрахон Абдураҳимова, Шоҳида Ғозиева, Муроджон Умаров, Шаҳлохон Тошбоева ва бошқалар ижро этмоқдалар.

МУЧАЛ ТЎЙИ

Қарши шаҳридаги 5-ўрта мактаб ва "Маҳаллот" маҳалласи ташаббуси билан маҳалла чойхонасида Мучал тўйи бўлиб ўтди. Қадриятларимиз тикланаётган бугунги кунда миллий урф-одатларимизга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Маҳалла, мактабдан 12 ёшдаги олти ўғил ва олти қизнинг Мучал тўйига Султон Анваров раҳбарлигидаги "Гўзал" ашула ва рақс дастаси, "Эски масжид" театр студияси, "Момогул" фольклор-этнографик ансамбллари ўзларининг ранг-баранг дастурлари билан меҳмон бўлиб келдилар. Шунингдек, ҳомий ташкилотлар, вилоят маданият ишлари бошқармаларининг махсус совғалари болаларга бир олам қувонч бахш этди.

ХОРАЗМИЙЛАР АВЛОДИ

Янгиариқ туманидаги 1-ўрта мактаб қошида фаолият кўрсатаётган "Торғунча" ("Митти ғунча") ашула ва рақс ансамбли ижодий жамоаси томонидан саҳналаштирилган "Биз хоразмийлар авлодимиз" деб номланган адабий-мусиқали дастур кенг томошабинлар оммаси томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Хоразмда яшаб ижод этган алломалар ҳаёти, қолдирган улкан меросларини, санъат ва адабиёт бобида Хоразмда олиб борилган ишлар хусусида ҳикоя қилувчи мазкур саҳна томошасини ансамблнинг бадиий раҳбари Алимбой Жуматов саҳналаштирган. Ансамбл иштирокчиларидан Жамолиддин Эшжонов, Дилрабо Жуматова, Ҳусайн Оллабергенов, Дилшод Жуматов, Нуриддин Эшчоновлар талқинидаги ранг-баранг образлар, дилрабо куй ва қўшиқлар томошабинлар олқишига сазовор бўлмоқда. Мазкур саҳна томошаси шу кунларда туман маданият масканларида намойиш этилмоқда.

БИЗ ҚУЁШ БОЛАЛАРИ

Асака шаҳридаги Беруний номидаги ўрта мактаб қошида фаолият олиб бораётган "Шаҳнозалар" ашула ва рақс дастасининг "Биз қуёш болалари" деб номланган янги концерт томошаси ҳам мухлислар эътиборини ўзига тортди. Истиқлол, мустақиллик, Ватан ва бахтиёр болалик тараннум этилган концерт томошаси тумандаги жамоа ва давлат хўжаликларида мухлислар ҳукмига ҳавола этилмоқда. Дастурни ансамбль раҳбарлари Исмоил Отажонов ва Маҳфузахон Отажоновалар саҳнага олиб чиққанлар. Ансамбль иштирокчиларидан Муҳайёхон Аҳмаджонова, Наргиза Омачова, Шоҳида Раҳмонова, Гулноза Ҳадиятиллаева, Зиёда Боқиевалар ижро этаётган куй ва қўшиқлар, мафтункор рақслар концертга файз бағишламоқда.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.

Таълим заҳматкашлари

СЕРҚИРРА ИСТЕЪДОД СОҲИБИ

Ўзбекистон ҳамда қўшни давлатларга мутахассислар етказиб беришда Нукус давлат педагогика университетининг ҳиссаси таҳсинга лойиқдир. 60 йил муқаддам тамал тоши қўйилган университет ҳозирда ҳам ягона мақсад, яъни халқимиз, Ватанимиз келажаги бўлган болаларга таълим-тарбия берадиган билимдон педагогларни етиштириш борасида фаолият кўрсатиб келаяпти.

Эндиликда Нукус давлат педагогика институти республикамиз Президенти фармонига биноан, университет мақомини олди. Унга айни пайтда билимдон, ташаббускор ва ташкилотчи, зиёлилар қалбидан кенг ўрин олган инсон, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, фалсафа фанлари доктори, профессор Жуманазар Бозорбоев раҳбарлик қилмоқда.

Олимнинг илм-фанга, ижтимоий-сиёсий ҳаётга кириб келиш жараёни ёшларга ўзига хос сабоқ бўлса арзийди. У Мўйноқда, оддий бир оилада таваллуд топди. Ўрта мактабни аъло баҳолар билан тамомлагач, Қорақалпоғистон давлат педагогика олийгоҳининг химия-биология факультетига кириб, 1955 йилда уни имтиёзли диплом билан тамомлагач, фалсафа кафедрасига ишга таклиф этилади.

Илмга чанқоқлик бўлажак олимни Тошкент давлат дорилфунунининг аспирантурасига етаклайди ва у мазкур даргоҳда уч йил таҳсил олади, муддатидан олдин фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини муваффақиятли ҳимоя қилгач, яна Қорақалпоғистонга қайтади. Ана шундан бошлаб илмий-ижтимоий фаолият билан изчил шуғуллана бошлайди. Бу борада у Н. Давқораев номидаги тарих, тил ва адабиёт илмгоҳи директорининг муовини, фалсафа бўлимининг мудири лавозимларида ҳам ишлайди. 1973 йилда Ж. Бозорбоев фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олишга муяссар бўлади. Қорақалпоғистонда фалсафа илми соҳасида мана шундай юқори илмий даражага эга бўлган олим ҳам Жуманазар Бозорбоев эди.

Ж. Бозорбоев ўз фаолиятини педагогик назария билан қўшиб олиб боришга, ёшларга таълим-тарбия бериш жараёнларида фаол иштирок этишга йўналтиради. Нукус давлат педагогика олийгоҳи (кейинчалик дорилфунун)нинг фалсафа кафедрасида дастлаб доцент вазифасида ишлайди, сўнгра илмий коммунизм кафедрасига раҳбарлик қилади. Бир неча йил Қорақалпоғистон Республикасининг Халқ таълими вазири лавозимида ҳам ишлаб, ибратли тадбирларни амалга оширди, маориф тизимини такомиллаштиришнинг янги-янги усулларини ишлаб чиқишда ташаббускорлик кўрсатди. 1991 йилда Нукус давлат педагогика олийгоҳининг қайта ташкил қилинишида олимнинг хизматлари алоҳида эканлигини таъкидлаш ўринлидир.

Лавозим сени эмас, сен лавозимни кўтар, деган ибора бор халқимизда. Жуманазар ака ҳам қайси лавозимда ишламасин, жамоатчилик топшириқларини бажармасин, ҳар қандай вазиятда ҳам илмий фаолиятдан узоқлашган эмас. Аксинча, бу давр олимнинг ижтимоий-сиёсий фаолияти илмий тадқиқот ишларининг янада самарали бўлишига ёрдам бериб турди.

Камтарлик ҳам бу инсонга хос хислат. Илм аҳли уни машҳур файласуф олим, Қорақалпоғистонда ижтимоий-сиёсий фанлар, айниқса, фалсафа фани тараққиётига катта ҳисса қўшиб келаётган етук аллома дейишганда тамомила ҳақ. Шу кунгача олимнинг ўн беш монография, икки юздан ортиқ илмий мақолалари эълон қилинди. Олимнинг айниқса, "Қорақалпоғистондаги муқаддас жойларнинг сирлари", "Назария ва тажриба", "Ёшларнинг касб танлаши ва унинг ижтимоий муаммолари", "Янги урф-одатлар, анъаналар ва уларнинг тарбиявий аҳамияти" каби монографиялари илмий жамоатчилик томонидан юқори баҳоланди.

Олимнинг сўнгги йиллардаги илмий фаолиятида муҳим бир ибратли жиҳат кўпроқ кўзга ташланмоқда. У одобнома илмий муаммолари билан астойдил шуғулланиб, юксак тарбиявий аҳамиятга молик ишларни юзага чиқармоқда. Жумладан, "Ўтовингга эгалик қил, уй оғаси", "Зиёли ва билимдон деб кимни айтамиз?", "Илмлилик ва ҳунармандлик келажакнинг калити" сингари мақолаларида ижтимоий-маънавий ҳаётнинг турли жабҳаларидаги муаммолар ҳақида фикр юритилади, уларни ҳал қилишнинг аниқ режалари баён этилади. Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, доцент Қирмизи Давлетова билан ҳаммуаллифликда нашр қилдирган "Одобнома" китоби олимнинг тарбияшунослик соҳасидаги илмий тадқиқотларининг мантиқий давоми. Мазкур асарнинг чоп этилиши Қорақалпоғистондаги тарбияшунослик илмига қўшилган беқиёс ҳисса бўлди.

Яқинда университет илм аҳли яна бир қувончли хабарни эшитди. Ж. Бозорбоев доцент У. Алеуов билан ҳамкорликда Москвадаги маданият ва умуминсоний қадриятлар халқ академияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил қилинган конкурсга "Мовароуннаҳр халқлари педагогикаси тарихи концепцияси лойиҳаси" билан иштирок этиб, биринчи ўринни эгаллади. Айни пайтда олим мазкур дастур асосида "Мовароуннаҳр халқлари педагогикаси тарихи" дарслигини яратиш устида қизғин иш олиб бормоқда.

Изланувчан олим шогирдлар тайёрлашда ҳам пешқадам мураббийлардан. Унинг раҳбарлигида бир неча номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Илмий изланиш ва тадқиқотлар Жуманазар Бозорбоевни Қорақалпоғистон ёки Ўзбекистонда эмас, Марказий Осиё давлатлари, Москва, Ленинград, Киев, Боку каби шаҳарларнинг мутахассисларига ҳам танитди, ўз навбатида, бу жойлардаги илм аҳли билан доимий алоқалар ўрнатилган.

Жуманазар ака таржимончиликда ўзига хос мактаб яратганлардан. У жаҳон мутафаккирларининг бир неча дурдона асарларини қорақалпоқ тилига ўгириб, маънавият аҳлини жаҳон дурдоналаридан баҳраманд этди. Жумладан, жаҳон классик асарларидан бири — "Кама Сутра"ни, шунингдек, файласуф Дейл Карнегининг мащхур трактатларини қорақалпоқ тилига ўгирди.

У Нукус давлат университети раҳбари сифатида ҳам коллектив ҳурматига сазовор бўлиб келаяпти. Бу борада қуйидаги рақамларга аҳамият бериш ўринлидир: университет ташкил этилганда атиги 4 та факультет ва 9 та кафедра бўлган бўлса, эндиликда уларнинг сони 8 та факультет, 39 та кафедрага етди. Бугунга келиб бу ерда Ўзбекистон Фанлар академиясининг икки мухбир аъзоси, 6 нафар фан доктори, 10 нафар профессор, 100 нафардан ортиқ фан номзодлари ва доцентлар бўлажак мутахассисларга сабоқ бермоқда. Университетнинг моддий базаси ҳам мустаҳкамланиб бормоқда. Айни пайтда ёрдамчи хўжалик ҳисобидан тушаётган даромад 15 миллион сўмдан ошади. Бу маблағ моддий-техникавий базани мустаҳкамлашга, талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг ижтимоий-сиёсий ҳимоясини таъминлашга сарфланмоқда.

Ж. Бозорбоевнинг ташаббуси ва жонкуярлиги натижасида 1992 йилдан бошлаб Қорақалпоғистонда биринчи марта "Қорақалпоғистон муаллими" журнали нашр қилина бошланди.

Икки йил аввал унинг ташаббуси билан Нукус давлат университети қошида аспирантура ташкил этилди. Бир гуруҳ мутахассис олимларнинг "ўзбекча-қорақалпоқча ижтимоий-сиёсий ҳамда иқтисодий луғат" тузишга киришилганлиги ҳам бевосита Жуманазар аканинг саъй-ҳаракатлари билан боғлиқ.

Нукус давлат университетининг дастлабки дадил қадамлари, қисқа муддатга қўлга киритган ютуқлари Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши ҳамда ҳукумати томонидан доимо қўллаб-қувватланиб, рағбатлантирилиб келинаяпти. Нукус шаҳрининг 60 йиллик юбилейи муносабати билан олийгоҳ Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг "Фахрий ёрлиғи"ни қўлга киритишга муяссар бўлди. Бу, университет фаолиятига, унинг аҳил ва меҳнатсевар коллективига, қолаверса, ташкилотчи раҳбар фаолиятига берилган юксак баҳо эди. Мазкур мукофот жамоани бундан ҳам самаралироқ, жадалроқ ишлашга руҳлантирмоқда.

Олимнинг кўпчиликка ёд бўлиб кетган бир шиори бор: "Сиз ҳеч кимдан кам эмассиз, ҳеч ким сиздан ортиқ эмас!". Теран, фалсафий маънога эга бўлган бу иборани Жуманазар ака тез-тез такрорлаб туради ва ҳар бир ходимнинг қалбида ўз-ўзига, қолаверса, меҳнат қобилиятига ишонч туйғуларини уйғотади, фидойилик кўрсатиб, довонлар ошишга ундайди. Назаримизда, олимнинг ўзи ҳам бутун ҳаёти давомида ана шу шиор ва ақидага амал қилиб яшаган, меҳнат қилган. Унинг фаолиятидаги бугунги кўлга киритилган ютуқларнинг бош омили ўша ҳаётий тамойилга асосланиб, яшаш ва меҳнат қилиш бўлса, ажаб эмас.

Каримбой ҚУРАМБОЕВ,
филология фанлари доктори.
Салий СОДИҚОВ,
фалсафа фанлари номзоди, доцент.

«ЭНГ ЯХШИ ЎСМИРЛАР» КЛУБИ

Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси ташаббуси билан С.Раҳимов туманида "Энг яхши ўсмирлар" клуби кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туман халқ таълими бўлими тасарруфидаги клублар, маҳалла қўмиталари ишини мувофиқлаштириш кенгаши, оталиқ ташкилотлари, мактабдан ташқари тарбия муассасалари, балоғатга етмаган ёшлар билан ишлаш назорати вакиллари ҳамда кенг жамоатчилик фаол иштирок этдилар.

— Танловни ўтказишдан кўзланган мақсад — мактабларимизда таълим-тарбия борасида эришилган илғор тажрибаларни оммалаштириш, шунингдек, маҳалла,жамоатчилик кенгашларини ҳам бу муҳим ишга жалб этиб, мактаб ва ота-она, жамоатчилик ўртасидаги ҳамкорликни яхшилашдан иборатдир, — дейди танловда биринчи ўринни эгаллаган "Дўстлик" клубининг ташкилотчиси Убайдулла Лутфуллаев. — "Энг яхши ўсмирлар" клуби танлови гарчи туманимизда илк бор ўтказилаётган бўлсада, таълим-тарбияда, ёшлар ўртасида одоб-ахлоқ ришталари кутилгандан ҳам яхши шаклланаётганлиги кўзга яққол ташланди. Қувонарлиси шундаки, ана шу ишда ота-оналар жамоаси, маҳалла қўмиталари ҳам нечоғли тарғибот ва ташвиқот олиб бораётганлиги намоён бўлди.

Танловда иштирок этган барча клуб аъзолари ўз маҳоратларини кўрсатдилар. Шу куни ғолиблар ҳам аниқланди. "Дўстлик" клуби биринчи, "Бойчечак" клуби иккинчи ҳамда "Навқирон" клуби учинчи ўринни эгалладилар. Анжуман ҳомийлари, шаҳар халқ таълими бўлими ғолибларни қимматбаҳо совғалар, фахрий ёрлиқлар билан тақдирладилар.

Ҳабиба БАҲРОМОВА,
Сирғали туманидаги 301- мактаб ўқитувчиси.

Суратда: танловдан лавҳа.
Х. МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

Ҳажвий тимсоллар

МАХМУР ҲАЖВИЙ УСЛУБИДА АДАБИЙ ЖАНРЛАР ВА ШЕЪРИЙ ШАКЛЛАРНИНГ ЎРНИ

Ҳар қандай адабий асар мазмунининг бадиий шакл билан узвий боғлиқлиги, мавзу ва ғоянинг муйян жанр, тимсоллар, бадиий тасвирий воситалар, вазн, қофия орқали ифодаланиши исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Ҳажвий асарларда бу хил муносабат янада ёрқинроқ акс этади. Зеро, кулгили тимсоллар яратиш, кулгили манзаралар чизишда асар шакли муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Махмур халқ оғзаки ижоди ва мумтоз адабиётимиз ҳажвиётидаги услубий анъаналарни давом эттирган ҳолда ўз асарлари шаклини танлашга алоҳида диққат қилди ва ундан моҳирона фойдаланди.

Шоир, аввало, анъанавий жанрлар имкониятини пухта ўрганиб, ўз асарларини ҳажвий қиёфа чизиш учун мақбул жанрлар асосида яратишга ҳаракат қилди.

Маълумки, Махмургача ёзилган ҳажвий асарлар кўпинча маснавий, қитъа, мухаммас каби шаклларда битилган эдики, Алишер Навоий, Машраб, Турди каби ҳажвий шоирлар яратган асарлар бу фикрнинг исботи бўла олади.

Махмур ўз ҳажвиётида фойдаланган шеърий шакллардан бири қасида бўлди. Шоир ижодига бағишланган тадқиқотларда ушбу шеър шакли тўғрисида фикр юритилмайди. Адабиётшунос олим А. А. Асроров XVIII аср охири ва XIX асрда форс-тожик ва ўзбек ҳажвиётларида фойдаланилган жанрлар, шеърий шакллар ҳақида тўхталар экан, ҳажвий қасида жанри ҳақида гапиради, тожик шоирларидан Ҳайрат, Фаёз, Асарий, Аҳмад Донишлар қатори ўзбек шоир Абдураззоқ Фақирий "Тоғай Сўфи Хоразмий ҳақида ҳажв" сарлавҳали қасида яратганини тилга олида-ю, лекин Махмур қасидаларини эътибордан четда қолдиради.

Қасида ғазал каби қофияланишга эга эканлиги, лекин ҳажм жиҳатдан ғазалдан анча катта бўлиши адабиётшуносларимизга яхши маълум. Аввало, масалани шу жиҳатдан ҳал қилиб олайлик. Махмур қаламига мансуб "Дар ҳажви хўжа Мир Асад" асари қасида шаклида қофияланиб, ҳажми 67 байтдан иборат. "Арзи қишлоғи Ҳапалак ба жаноби Саид Умар Султон" шеъри ҳам шу тарзда қофияланган бўлиб, ҳажми 28 байт. "Дар сифати Ниёзча оғалиқ" ҳажвияси қофияси ҳам шу хилда бўлиб, ҳажми 40 байт. Бу уч шеърнинг барчаси ҳажвий мавзуда. Шундай экан, буларни қайси жанр ёки шеър шаклига нисбат бериш мумкин? Ғазалгами? 28, 40, 68 байтли ғазаллар бўлиши мумкинми? Демак, бу уч асарни қасида шаклига нисбат бериш тўғри бўлади.

Махмур ҳар уч асарни маснавий шаклида ёзиши мумкин эди, албатта. Маснавийда ҳар байтнинг мустақил қофияланишини ҳисобга олсак, бу — шоир учун қулай ҳам бўлур эди. Аммо Махмур қасида шаклини танлаган экан, муайян бир ғоявий-бадиий мақсадни назарда тутгани шубҳасиз.

Шоир "Дар сифати Ниёзча оғалиқ" шеърини ҳажвий қасида жанрида ёзгани исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Буни асар хотимасидаги:

Хост Махмур, ки дафтар кунад авсофи туро,
Манъ Фармуд вале мехтари даврон пити-пит.
Сохтам мадҳи замийм ту бадий жой тамом,
Варна будам паи шаҳномау достон пити-пит.

байтлари ҳам аниқ кўрсатиб турибди.

Ҳажвий мадҳиядан мурод муайян шахс кирдикорларини кулгили қилиб тасвирлаш. Чунки мактовни назарда тутувчи шеърда иллатларнинг фош қилиниши ўқувчи диққатини жалб қилади, мадҳ ўрнидаги ҳажв унда беихтиёр кулги уйғотади.

Қасида шакли ҳажвий тимсол иллатларини ҳар қайси байтдаги қофиядош сўзлар воситасида изчил фош этиш имконини беради.

Жумладан, мазкур қасиданинг ўзида шоир қофиядош сўзлардан фойдаланиб, ҳажвий тимсолнинг "мункири имон", "жоҳиди Хусрон", "сарди зимистон", "тули биёбон", "заҳробаи қатрон", "жодигари мўлтон", "кўппаки хандон", "ишкаммау куҳдон", "талхаку аснон", "носи лаимон", "бораки полон", "наргўлаки гулон", "ҳамроҳаку ҳомон", "ҳаммолаки риндон", "мурдаи товон" каби сифатлар соҳиби эканини моҳирона тасвирлайди. Кетма-кет келаётган бу хил таърифлар ўқувчида қаҳқаҳа қўзғотиш салоҳиятига эга экани кўриниб турибди. Асарга бошқа шакл, дейлик, маснавий танланганда, бу қадар таъсирчан чиқмаган бўларди.

"Дар ҳажви Хўжа Мир Асад" шеърида шоир 68 сўзни қофиядош қилиб, ўзи ва Мир Асад ўртасида бўлиб ўтган қизиқарли воқеани ҳикоя қилади. Воқеий асар, хусусан, ҳажвий ҳикоя учун маснавий шаклининг мос келиши аниқ. Ўзбек адабиётида бундай ҳикоя учун қасида шаклидан фойдаланиш янги ҳодиса. Адабиётшунос олим Воҳид Абдуллаев бу ҳақда шундай ёзган эди: "Ўзбек адабиётидаги қасидачилик тарихида сюжетли қасиданинг энг яхши намуналаридан бирини шоир Махмур яратган. Унинг "Дар ҳажви Хўжа Мир Асад" асари "қасидаи ҳажвия"га мансуб асардир... Қасида, умуман, бирор ҳодиса, воқеа, тарихий шахс ва бошқаларни мақташ ёки табиат манзараларини тасвирлаш мақсадида ёзилар эди; Махмур эса қасидалардан сатирик объектни тасвирлаш учун фойд ланиб, сатиранинг жанр жиҳатидан имкониятини кенгайтиради ва бойитди. Шунинг ўзи ҳам ҳар бир масалага ижодкорона ва новаторлик кўзи билан қараганини кўрсатади".

Шеър билан танишганда, танланган шакл ҳажвий воқеа тасвири учун маснавийга қараганда қўл келганига ишонч ҳосил қиламиз. Чунки ҳар қайси байт охиридаги қофиядош сўзлар ўқувчи диққатини ҳажвий тимсол хусусиятларига қайта-қайта жалб қилиб, кулги яратишда муҳим вазифани бажаради.

"Арзи қишлоғи Ҳапалак ва жаноби Саид Умар султон" асарининг дастлабки байтлари шоир қасида жанрига мурожаат қилганидан далолат бериб турибди. Зеро, дастлабки уч байтда ҳоннинг муболаға билан улуғланиши муаллиф мақсадидан дарак беради. Шоир ўз асарини:

Шаҳо, камида дуоғўи ибни Акмалро,
Зи рўи лутф тараҳҳум зи ғусса соз риҳо.
Ба мисли мазҳари покат замонаро шоҳи,
Надида чашмаи хуршеду, ғумбази мейно.
Зи чокарони дари туст қайсару ҳоқон,
Бувад заи жанъи ғуломат Скандару Доро,

деб бошлар экан, ўзининг қасида ёзаётганини тасдиқлайди.

Шоирнинг ҳажвий маснавийлар туркуми ўз мазмунига кўра ҳажвий қасидага яқин туради. Гап шундаки, ушбу туркумда шоир қози Муҳаммад Ражаб, Ҳожи Ниёз, "лобувол Ўратепаги", Ҳаким Туробий, Мулла Яқуб каби етти кишининг ҳажвий қиёфасини чизар экан, туркумнинг маснавий қисмини машҳур "Шоҳнома" ўлчовида битади. Бу бежиз эмас эди, албатта. Махмур шу вазн воситасида ўзига хос, аниқроғи, ҳажвий қаҳрамоннома ёзаётганини намойиш қилади. Шоир шунинг ўзи билан ўқувчига кулги бахшида этади. Чунки вазннинг ўзиданоқ қаҳрамонлар қиёфасини кутган ўқувчи кўзи олдида иғвогарлар ўзининг бор "мардлиги-ю" "жасорати" билан баралла намоён бўлади.

Профессор Азиз Қаюмов биз назарда тутаётган асарлар ҳақида тўхталар экан: "7 шахс тўғрисидаги шеърларнинг ҳаммаси, аввало, маснавий шаклида ёзилган изоҳ, сўнгра ўша шахслар тилидан ёзилган шеърлардан иборатдир",— деб таъкидлайди. Бизнингча, маснавийлар ғазалларга ёзилган изоҳларгина эмас, балки шоирнинг ҳажвий тимсолларга берган баҳоси, тавсифномаси, ҳукми бўлиб, уларнинг ўз тилларидан ёзилган ғазаллар эса ана шу ҳукмнинг далили ҳисобланади. Зеро, ҳажвий тимсоллар қиёфаси, аввало, маснавийда тўлиқ намоён бўлади. Дейлик, "Авсофи қози Муҳаммад Ражаб Авж" маснавийси 25 байтдан иборат бўлиб, унда қозининг ташқи қиёфаси ҳам, маънавий олами ҳам кенг ёритилган. Унинг ўз тилидан айтилган ғазал эса шоир баҳосини тўлдиради, далиллайди.

Шоир яратган яна бир ҳажвий туркум фазлий, итбоқар қози, Каримқул ехтарлар ҳақидаги шеърлардан ташкил топади. Фикримиз далили ушбу асарларнинг барчаси бир ўлчовда — ҳафифи мусаддаси маҳбуни маҳзуф вазнида ёзилганлигидир. Зеро, юқорида кўрганимиз 7 шахс ҳақида ҳажвияларнинг барчаси (маснавий қисми) бир ўлчов — мутақориби мусаммани маҳзуф вазнида ёзилганидек, кейинги туркумнинг ҳам бир вазнда бўлиши шоир ижодий услуби учун қонуний ҳодисадир.

Махмурнинг Фазлий ҳажвига бағишланган шеърларини ҳам қасида жанрига нисбат бериш тўғрироқ бўлади, деб ўйлаймиз. Адабиётшунос А. А. Асроров бу шеърлар туркумини ғазалга нисбат бериб: "Махмурнинг шахсий ҳажвиётидаги ғазалларнинг бир туркуми ўша замон адабиётининг йирик вакили Фазлий Наманганонийга бағишланган. Гарчи ғазалларда Фазлийнинг ҳукмдор шахсларга маддоҳлиги, уларни қўллаб-қувватлаши ҳажв этилган бўлса-да, бу ғазалларда шахсийлик, ижтимоийлик касб этган", деб таъкидлайди.

Агар мазкур асарлар туркумига диққат қилсак, гарчи улар ғазал каби қофияланса ҳам, ҳажми анча катталиги кўзга ташланиб туради. Жумладан, "Исқотий" радифли тожикча шеър 34 байтдан, "Амаким" радифли ўзбекча ва "Амаким" радифли тожикча муаммаъ 33 байтдан, "Ўлгай" радифли ўзбекча шеър 36 байтдан ташкил топган. Уларнинг мақтаъида шоир тахаллуси ҳам келтирилмаган. Шеърлар ҳажмининг ўзиёқ уларни ғазалга нисбат бериш нотўғрилигини кўрсатиб турибди.

Иккинчидан, Махмур мазкур шеърларда ўзининг Фазлийга мадҳия, яъни қасида ёзаётганини таъкидлаб кўрсатади. Чунончи "Амаким" радифли шеър муқаддимасида:

Назми туркий билан баён, амаким,
Сифатингни қилай аён, амаким.
Сени мадҳингдан ўзга қоғозга
Чекмайин бир нуқат нишон, амаким —

деб ёзади. Бинобарин, туркумдаги ҳар қайси шеър "мадҳия", аниқроғи ажвий қасида мақсадини кўзлайди, десак хато бўлмайди. Ушбу қасидаларни ўзаро боғлаб турувчи восита ҳар қайси шеър охиридаги мустақил байтлардир. Жумладан, "Исқотий" радифли шеър охири — мустақил қофияланувчи:

Эй сияхбахти маъсият кешон,
Карда соҳиб туро бадандешон
байти билан тугалланади. "Ўлгай" радифли шеър охирида
Шукрим бўлди хатти поёни,
Хамчу исотийи Намангоний. —

байти келтирилади. Кўринадики, ушбу туркум ўзига хос таркиббанд тарзида ҳам яратилган бўлиб, уни таркиббанд — қасида деб аташ тўғрироқ бўлади. Бу эса, шубҳасиз, Махмур ижодий кашфиётчилигининг муҳим қирраларидан биридир.

Муҳаммадали МАҲМУДОВ.

Ҳуқуқий билимлар — оммага!

КУРС ТИНГЛОВЧИЛАРИ МАМНУН

Балоғатга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг келиб чиқиши аксарият ҳолларда амалдаги қонунларни билмасликдан келиб чиқади. Охир-оқибатда ота-оналар ва мактаб жамоалари бошига катта ташвиш-мусибатлар тушади.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти халқ таълими раҳбарлари, олий ва ўрта махсус билим юртлари ўқитувчилари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультети курс тингловчиларининг республика прокуратураси ходимлари билан учрашуви шу масалага бағишланди.

Йиғилишни факультет декани, тарих фанлари номзоди Норқўзи Қувватов очиб, сўзни Ўзбекистон Республикаси бош прокурори муовини Бахтиёр Пўлатовга берди. Нотиқ жумҳуриятимизда балоғат ёшига етмаганлар томонидан содир этилган қонунбузарлик бу йил ўтган йилга нисбатан 30 фоизга қисқарган бўлса-да, ўқувчилар, балоғатга етмаганлар томонидан қонунбузарликлар содир этилаётганлигини кўплаб мисоллар асосида таъкидлаб ўтди. Прокуратура ва халқ таълими ходимларининг Риштон туманидаги 22-мактабда олиб борган текширишлари шуни кўрсатдики, бу ерда ҳуқуқий билимлар паст даражада ўқитилган, айрим бошқа вилоят ва туманларда ҳам аҳвол яхши бўлмаганлиги натижасида салбий оқибатлар юзага келмоқда.

Йиғилишда сўзга чиққан институт ҳуқуқшунослик асослари кафедраси мудири, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди, доцент О. К. Каримова республика умумтаълим мактаблари ва ҳатто олий ўқув юртларида ҳам ҳуқуқ асосларини ўқитиш етарли даражада эмаслигини айтди, ажратилган дарс соатлари кам, бунинг устига ҳуқуқшунослик дарслари ва машғулотларини асосан тарих фани ўқитувчилари ёки мутахассис бўлмаган ўқитувчилар олиб бораётганлиги ҳам ҳуқуқий билимларни болаларга талаб даражасида етказиб берилмаётганлигига тўхталди.

Республика Халқ таълими вазирлиги фан ва педагогика таълими Бош бошқармасининг бошлиғи С. Д. Зияев мактаб ўқувчиларига ҳуқуқий билимларни бериш сув ва ҳаводек зарурлигини таъкидлади, вазирликнинг "Таълим тўғрисида"ги Қонуннинг бажарилиши соҳасидаги ишлари ҳақида ҳам ахборот бериб, уни босқичма-босқич амалга ошириш асосида бўлаётганлиги ҳақида гапирди.

Йиғилишда тингловчиларнинг саволларига Республика бош прокурорининг муовини Б. Пўлатов, республика прокуратурасининг балоғат ёшига етмаганлар билан шуғулланувчи бўлими бошлиғи О. Оқиловлар атрофлича жавоб бердилар.

Мухбиримиз.

Ўзбекистонимни куйлайман

БУЛБУЛДА АЖИБ КУЙ БОР...

Қишлоғимнинг тушларига
Кириб чиқар шаҳарлар.
Ўнгида-чи, кетмон билан
Кириб келар баҳорлар,—

деб ёзади Риштон туманидаги 13-мактабнинг тўққизинчи синф ўқувчиси Ҳулкар Боборахматова. Мурғак дилдан хабар топган шеъриятнинг илк наволари ўз самимияти билан шеърхонни ўйлантиради. Кўз олдида турмуш манзараларини жонлантиради.

Бешариқ туманидаги 39-мактабнинг еттинчи синф ўқувчиси Дилноза Шерматова эса "Булбулда ажиб куй бор, гул ишқида сайрайди. Имони бор инсонлар, Ватан учун яшайди" деб ёзганида нечоғлик ҳақ. Ҳа, қалбида йиғилиб қолган ҳис-туйғуларини ошкор қилиш учун қўлига қалам олган, кўнглига Ватан, халқ меҳрини солган ўқувчиларимиз жуда кўп. Улардан эллик нафари — вилоят кўрик-танловларининг ғолиблари яқинда Алишер Навоий номидаги республика нафис санъат лицейида бўлдилар.

Ижодкор ўқувчиларнинг Ватан мадҳига бағишланган мушоираси "Ўзбекистонимни куйлайман" шиори остида ўтди. Туғилишиданоқ парвозга шай бўлган, оламнинг гўзалликларини кўнглига жойлаб, толеидан, тақдиридан миннатдор бўлган ўқувчилар гўзал сатрларда мустақиллик иноятларидан мамнун эканликларини таранну этишга уриндилар. Келажакни маънавий баркамол инсонлар меҳнати шарофати ила хуррам кўришларини ифодаладилар. Бунинг учун эса дўстлар дийдори, ўзаро фикр алмашувлар нечоғлиқ зарур эканлигини таъкидладилар. Айниқса, уларнинг ёзганлари таниқли шоир ва ёзувчилар Жамол Камол, Сафар Барноев, Тўра Мирзо ва Маъриф Жалиллар назаридан ўтиши, нафис дидли тенгдошларининг олқишига сазовор бўлиши катта воқеа эканлигини айтдилар. Бундан адабиётга меҳрлари янада ортгани аниқ. Шунингдек, елкаларига ўзига хос юк ортганлари ҳам. Чунки бу юк Ўзбекистонни куйламоқ, куйида, қўшиғида она Ватан шон-шавкатини ўйламоқликдир. Демак, ҳар бир инсон ўз ватанида илдиз отса-да, одамлардан, оламдан ортда қолмаслик учун нигоҳи дунёни кузатмоғи шарт. Нафис санъат мактабида ўтказилган мушоира уларнинг ижоди ва иқтидорига маълум баҳони берди. Энди бу ижодкор ўқувчилар ўз дўстлари даврасига завқу шавқ билан, орзу ва ниятлари барқ уриб кириб боришларига, дўстлари-ўртоқларига ҳам ўз таъсирларини ўтказишига шубҳамиз йўқ. Қолаверса, катта адабиётимизни таниқли шоир ёки ёзувчилар эмас, балки мактаб ўқувчиси ҳам яратади. Уларнинг таъсирчанлиги, яхшиликни алқаб, ёмонликни қарғаб ўтиши имонли, эътиқодли инсонлар шаклланишига ишора эмасми? Кўрик-танлов иштирокчиси бўлмиш ёшлардан Нафиса Турсунова, Малика Мухторова, Шоди Отамуродов, Дилфуза Бегимова, Шуҳрат Маматвалиев ва Ҳуршида Полвоновалар ўзларининг шеърлари билан йиғилганларни қойил қолдирган бўлса, йиғилганлар кўрик-танловнинг шартлари бажарилишидан кўра, мушоиранинг давом этишини кўпроқ исташарди. Чунки ростлик ва самимият мурғак қалбларнинг ҳақиқий бойлиги эди. Ана шу бойликка шўнғиш эртанги кун ижодкорларининг кароматини бугунги кунда башорат қилиш билан тенг эди. Ёш ижодкорларнинг ташрифи лицей ўқувчиларининг ҳаяжонли тараддудлари билан янада мароқли бўлди. Ёш мезбонлар ўз тенгдошларини лицей клуби ва музейида ўз санъаткорликларини намойиш этиш билан олқишладилар, ошхона ва ётоқхоналарида ширинликлар билан сийладилар. Шу куни республика халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Й. Саиджонов ёшлар ижодига ривож тилар экан, уларнинг ижодкорлиги илмли бўлишга интилиш эканлигини таъкидлади. Бундай интилиш — олий шарафдир, яъни инсонни одамзод тўплаган мислсиз хазинанинг чин эгалари бўлмоқликка шайлантиради. Демак, эртанги кунимиз юксак дидли, маънавий баркамол ёшлар билан чароғон. "Булбулда ажиб куй бор". Мактаб ўқувчиларининг қалб наволари ҳам булбул хонишларидек нафис, тиниқ ва жозибалидир.

У. АБДУАЗИМОВА,
Ҳ. МИРЗАКАРИМОВ ва Р. АЛЬБЕКОВ
олган суратлар.

Олтин сандиқ

Ҳусайн Воиз КОШИФИЙ

ФУТУВВАТНОМАИ СУЛТОНИЙ

ёхуд жавонмардлик тариқати

БЕШИНЧИ ФАСЛ. ЎТИРИШ ОДОБИ ҲАҚИДА

Билгилки, ўтиришнинг бир қанча қоида-одоблари бўлиб, уларга риоя қилиш шарт. Аммо шайхнинг ўтириши билан муридлар ўтириши орасида фарқ бор.

Агар шайхнинг ўтириш одоби нечта, деб сўрасалар, жавоб бериб айтгилки, агар у жойнамоз устида ўтирса, тўрт одобга риоя қилади. Жойнамоздан бошқа нарса устига ўтирганда ҳам тўрт нарсага эътибор қилади. Аввал шуки, юзини қиблага қаратиб ўтириши даркор, иккинчидан, икки тизини букиб ўтирсин, учинчидан, ўнгу сўлга кўп қарамасин, тўртинчидан, зарурат туғилмаса, мажлисни тарк этмасин.

Агар тариқат муридларининг ўтириш одоби нечта, деб сўрасалар, саккизта деб айт. Аввал шуки, муридга қаерни кўрсатсалар ва нимани ёйсалар, бориб ўтирсин, иккинчидан, ўнгу сўлга, баланду пастга қарамасин, учинчидан, унга қараб гапирмагунча бошини эгиб ўтирсин, тўртинчи, агар йиғинга бирор соҳибжамол киши кириб келса, унга боқмасин, бешинчи, икки тизини букиб ўтирсин, олтинчи, кўп туриб юрмасин, еттинчи, алохида ҳурмат-иззат талаб қилмасин ва агар бирор киши ундан олдинроқ ўтиб ўтирса ҳам гарчи бу ножўя харакат бўлса-да, уни ёмонламасин. Зеро, улуғлар демишлар: "Жой мард билан шараф топар, мард жой билан эмас". Саккизинчи, шерикларига жойни тор қилиб, халақит бермасин.

Агар қаерда ўтирибсан, деб сўрасалар, абадият ерида ва хизмат тупроғида, деб айт. Агар нима учун ўтирибсан, деб сўрасалар, назар учун деб айт, яъни пирнинг назари тушишига мунтазирман деб айтгил.

Агар туриб-ўтиришнинг маъноси нима деб сўрасалар, айтгил: бунинг маъноси — хизмат учун туриш, ҳурмат учун ўтиришдир...

ОЛТИНЧИ ФАСЛ. СУҲБАТ ОДОБИ ҲАҚИДА

Билгилки, одамизоднинг шарафи нутқи билан ва нутқ одобига риоя қилмаган одам бу шарафдан бебаҳрадир. Сўз ҳамма вакт савоб учун ишлатилиши, тўғри ва ҳаққоний бўлиши керак. Агар шундай бўлмаса, жим турган маъқул. Шайхлар ва бошқа мартабага эришганлар учун ҳам, ҳали мартабага эришмаган кишилар, муридлар учун ҳам риоя қилиниши зарур бўлган бир қанча суҳбат одоби мавжуд. Агар мартабага эришганлар суҳбатда қайси қоидаларга амал қилиши керак, деб сўрасалар, айтгил, қуйидаги саккиз қоидани сақлашлари керак: биринчидан, ҳар кимнинг ахволига қараб, муносиб сўз айтсин. Иккинчидан, дағаллик қилмасдан, лутф ва мулойимлик билан гапирсин. Учинчидан, гапираётганда табассум қилиб, очилиб гапирсин. Тўртинчидан, овозини баланд кўтармасин, эшитгувчиларга малол келтирмайдиган қилиб гапирсин. Бешинчидан, одамларга нафъи тегадиган маъноли гапларни гапирсин. Олтинчидан, агар сўзнинг қиммати — қадри бўлмаса, уни тилга олмасин, чунки улуғларнинг сўзи бамисоли уруғдир, агар уруғ пуч ёки чириган бўлса, уни қаерга экманг униб чиқмайди.

Агар мартабага етмаганларнинг суҳбат одоби нечта, деб сўрасалар, бу ҳам саккизта деб айтгил. Биринчидан, сўрамагунларича гапирмасин. Иккинчидан, гапираётганда овозини баланд кўтармасин. Учинчидан, гапираётганда ўнгу сўлга қарамасин. Тўртинчидан, ғаразли ва киноялари гапларни гапирмасин. Бешинчидан, қаттиқ гапирмасин ва бетга чопарлик қилмасин. Олтинчидан, пушаймон бўлмаслик учун ўйлаб гапирсин. Еттинчидан, одамлар гапини бўлиб сўз қотмасин. Саккизинчидан, кўп гапирмасин. Чунки кўп гапириш ақли ноқислик белгисидир. Оз бўлса ҳам, аммо соз гапиришни шиор этсин.

Агар қайси тил билан сўз сўзлайсан, деб сўрасалар, сидқу садоқат тили билан, деб айтгил. Агар сўзни қайси қулоқ билан эшитасан, деб сўрасалар, қабул қулоғи билан, деб айтгил.

Агар сўз сеникими ёки сен сўзникими, деб сўрасалар, айтгил: мен сўзники ва сўз меникидир, чунки сўз инсонлик дарахтининг мевасидир, дарахтни мевадан, мевани эса дарахтдан ажратиб бўлмайди. Агар нуқсонли сўз қайсидир, деб сўрасалар, худо ва Расулнинг сўзига мувофиқ келмайдиган сўз, деб жавоб бергил.

Агар яхши сўз қайси, деб сўрасалар, кишиларга нафъи тегадиган сўз, деб айтгил. Ёмон сўз қайси, деб сўрасалар, бировга зарари тегадиган сўз деб жавоб бергил.

ЕТТИНЧИ ФАСЛ. ТАОМ ЕЙИШ ВА СУВ ИЧИШ ОДОБИ ҲАҚИДА

Маълумки, одамзод таом емасдан ва сув ичмасдан яшолмайди... Ҳайвонлар ҳам еб-ичиш билан тирик. Бас, шундай экан, ҳайвоннинг ейиши билан инсоннинг ейиши орасида фарқ бўлиши керак. Чунки ҳайвон ейиш учун яшайди, одам эса яшаш учун ейди. Бу икки хил ейишнинг фарқи одобда билинади. Яъни, одамзод таом ейиш одоби ва қоидаларини сақлайди, аммо ҳайвонлар бундан бехабардирлар. Агар таом ейиш қоидалари нечта, деб сўрасалар, ўттиз еттита, деб айтгил. Тўрттаси фарз ва тўрттаси суннат, тўрттаси мустаҳал ва ўнтаси адаб ва тўртта ҳурмат ва тўртта ҳикмат ва еттитаси эҳтиёт қоидалари.

Агар тўрт фарз қайси, деб сўрасалар, айтгил: аввал ҳалол луқмани қўлга киритиш, иккинчи ризқ берувчи Аллохни таниш, учинчи шукр қилиш, тўртинчи пок таомни ейиш, яъни овқат нажосатли ва булғанган бўлмаслиги керак. Агар тўрт суннат қайси, деб сўрасалар, айтгил: аввал "бисмиллоҳир раҳмонир раҳим" дейиш, иккинчи — таомдан олдин қўлни ювиш, учинчи — таомни ўнг қўл билан ейиш, тўртинчи — таомдан фориғ бўлгач, худога ҳамду сано айтиш.

Агар тўрт мустаҳал қайси, деб сўрасалар, айтгил: биринчидан овқат ейишни аввал туздан бошлаш, иккинчидан, туз билан тугатиш, учинчидан, овқатни дастурхон ёзиб ейиш, тўртинчидан, дастурхон атрофида ўтирган ходимни овқатга таклиф этиш.

Агар ўн адаб қайсидир, деб сўрасалар, айт: аввал чап оёқ билан ўтириш, иккинчи — ўзининг олдидан ейиш, учинчи — бошқаларнинг овқат ейишига қарамаслик, тўртинчи — товоқ (ёки коса)нинг бир четидан ейиш, бешинчи — овқатни учта бармоқ билан ейиш, олтинчи — панжаларни ялаб туриш, еттинчи — товоқ (коса)ни тозалаб қўйиш, саккизинчи — агар луқма қўлдан тушиб кетса олиш ва булғанган бўлса, тозалаб сўнгра ейиш, тўққизинчи — таом ейиш вақтида суянмаслик, ўнинчи — таомдан сўнг қўлни ювиш.

Агар тўрт ҳурмат қайсидир, деб сўрасалар, айтгилким, бу биринчидан, таом ейиш пайтида бошни қашимаслик, иккинчидан бурунни артмаслик, учинчидан, оғизнинг сувини оқизмаслик, тўртинчидан оғизга овқат олиб бировнинг гапирмаслик.

Агар тўрт ҳикмат қайсидир, деб сўрасалар, бу қуйидагилардир деб айт: биринчидан, луқмани катта олмаслик, иккинчидан, овқатни яхшилаб чайнаш, учинчидан, кўп нарса емаслик, тўртинчидан, тўқ қоринга яна овқат емаслик.

Агар етти эҳтиёт қайсидир, деб сўрасалар, айтгилки, бу: аввал ҳеч бир таомни ёмон таъриф қилмаслик, агарчи яхши пишмаган бўлса-да. Иккинчидан, овқат қаердан келтирилгани ва кимники эканини билиб олмагунча емаслик. Учинчидан, ёлғиз овқатланмаслик. Тўртинчидан, ўтирганларнинг ҳаммасини овқатга чорлаш, чунки баракка биргалашишдадир. Бешинчидан, мақтаниш, манманлик юзасидан овоза тарқатиш учун берилган овқатни емаслик. Ўғрилар, киссавурлар, харидорлар ҳақига хиёнат қилувчи дўкондорлар, каззоб даллоллар, порахўрлар дастурхонидан нон емаслик. Чунки бу тоифа одамларнинг таоми ҳаром бўлиб, ўзлари палидларнинг палидидирлар. Олтинчидан, таъзия ошидан пархез қилиш, чунки унда вояга етмаган етимнинг ёки гойиб бирор меросхўрнинг ҳаки бўлиши мумкин. Еттинчидан, битта таомни ейиш билан қаноатланиш.

Агар сув ичишнинг қоидалари нечта, деб сўрасалар, ўн битта деб айт: иккита фарз, олтита суннат, учта адаб. Агар икки фарз қайси деб сўрасалар, айтгилки, биринчиси — олтин ва кумушдан ясалган идишларда сув ичмаслик, аммо олтин ва кумуш суви билан заҳарланган бўлса, жоиздир. Лекин сув ичаётганда оғиз олтин ёки кумуш ўргизилган жойга тегмаслиги керак. Иккинчидан, сув тоза, ифлосланмаган бўлиши лозим.

Агар олти суннат қайсидир, деб сўрасалар, айт: аввал сувни уч марта нафас олиб ичиш, уч нафас олишда бир нафас олиш. Иккинчидан, ҳар дафъа идишни оғиздан олиб туриш. Учинчидан, нафаси идишдаги сувга тегмаслиги керак. Тўртинчидан, сувни ўтириб ичиш.

Агар уч адаб қайсидир, деб сўрасалар, айтгил: биринчидан, катта идишдан ва мешдан сув ичмаслик, иккинчидан, агар йиғиннинг соқийси бўлса, сувни ҳаммадан кейин ичиш. Учинчидан, агар мажлисда ўтириб сув ичаётган бўлса, идишни ўнг томонга қараб узатиш.

Агар сув ичаётган пайтда кўзага нима дейдилар, деб сўрасалар, айт ҳол тили билан мен кеча-кундуз бошим билан шўнғуб, хизмат қилиб, бу мақсадга эришдим, деб айтадилар. Азиз инсонлар сув ичаётганда мажлис аҳли "соғ бўлинг" дейдилар, бунинг маъноси нима деб сўрасалар, айт: бунинг маъноси шуки, умр ўткинчидир ва бир нафас олишга ҳам ишонч йўқ, биров сув ичар экан, балки ҳали сув жигарига бориб етмасдан оламдан ўтар ёки сув томоғидан ўтмай нафаси узилар...

(Боши ўтган сонларда).

«САОДАТ» — СИЗНИНГ ЭҲТИЁЖИНГИЗ

Мумтоз адибларимиздан Абдулла Қаҳҳорнинг "Ҳикматлар" китобчасида шундай бир воқеа келтирилади: Қайсидир бир мамлакатда баҳайбат филни занжир билан дарахтга боғлаб қўйишибди. Фил йиллар давомида дарахт атрофида айланиб, умргузаронлик қилибди. Фурсат етиб, унинг оёғини занжирдан бўшатибдилар, аммо фил ҳамон дарахт атрофида айланар эмиш...

Кўникма, баъзан, ана шундай зарарли. Биз узоқ йиллар қарамлик кайфиятида яшаганмиз. Энди бу кайфиятни синдирмоқ фурсатидир. Инсонга куч берадиган, қарамлик руҳиятидан халос этадиган яна бир қудрат — бу маърифат. Шу маънода "Саодат"журнали 1995 йилда ўз саҳифаларидан маърифий мавзуга кўпроқ жой беришни мўлжаллади.

"Муаллимлик — жисм эҳтиёжини эмас, руҳ эҳтиёжини қаноатлантирувчи касб", — дейди Тошкент шаҳар Миробод тумани Олтинкўл маҳалласи хотин-қизлар кенгашининг раиси, нафақадаги муаллима Нури Азимова.

Биз Нури опанинг дил дафтарида ёш ўқитувчиларга асраган гапларини "Саодат"нинг янги сонларининг бирида "Аввалги муаллималар" рукнида чоп этаяпмиз.

"Ҳозирги муаллималар" рукнимизда эса "Мен мустақиллик дарсини қандай ўтаман?", "Одобнома" сабоғида бир соат каби турли фан ўқитувчиларига кўмакдош бўладиган дарслар намуналарини беришни ният қилдик. Аслида барча режаларимиз бошида Аёл, унинг ташвиши, қувончи турибди. "Саодат"нинг келгуси йил сонларига тайёрлаётган "Аёл нафақага чиқди", "Беваликни бебахтлик деб қабул қилманг!", "Ўттизга кириб, ўт бўлиб" сарлавҳали материалларимиз оғир-енгил дақиқаларда аёлларимизга ҳамроҳ, ҳамдард бўлади деб умидландик. "Кўнгилга ташриф", "Туҳфа", "Юрак харитаси", "Бўстондан эсган саболар" каби қатор рукнларимиздаги материаллар сизни адабиёт, санъат билан ошно қилади. Тўқиш, тикиш, пазандалик уй бекалари, айниқса, ёш келинчаклар, қизларимизнинг севимли машғулоти. Биз журналимизда кўпроқ бир пайтлар ривож топган, ҳозир унут бўлган ҳунарларимиз, таомларимиз билан таништиришни ўйлаяпмиз. "Катта танаффусда", "Олтин давр оқшомлари" каби рукнларимиз билан ўсмир қизлар, талаба сингилларимиз ҳаётига киришни режалаштирдик.

Хуллас, "Саодат" жамоаси журнални ҳар жиҳатдан аёлнинг сирдоши, дўсти, кўмакчисига айлантириш учун астойдил меҳнат қилмоқда. Бизнинг обуна баҳомиз унча қиммат эмас: ойига 5 сўм 40 тийин, бир йилга 64 сўм 80 тийин. Имкон қадар обуна бўлсангиз, йил давомида Сиз бизнинг, биз эса сизнинг ҳаётингиз билан яшаймиз.

Қутлибека РАҲИМБОЕВА,
"Саодат" журнали бўлим муҳаррири.

3 декабрь — халқаро ногиронлар куни

ҚАЛБ КЎЗИ ҲАМИША РАВШАН

Ўқитувчи Жўлибой Исмоилов ижтимоий хизмат кўрсатиш меҳнати таълими асосида кўзи ожиз болаларда ҳунарга ҳавас туйғусини шакллантиришга интилмоқда. Унинг ишга келганига энди икки йил тўлди. У меҳрибонлик ва талабчанлик фазилатлари туфайли жамоада ҳурмат қозонди.

— Интернатимиз ўқувчилари дунёни, жумладан, меҳнатни ҳам қалбдан ҳис қилишади. Кўзлари ожиз, лекин қалб кўзлари равшан. Сезгир қўллари эса қалб амри билан мўъжизалар яратишга қодир, — дейди ёш муаллим.

Дарҳақиқат, Жўлибой иш олиб бораётган меҳнат устахонасига кирсангиз, кўзи ожиз болаларнинг ёғочдан ясаган буюмларига кўзингиз тушади. Турли ҳажмдаги курсилар, қушлар учун инлар, самолёт макетидан тортиб дид билан ясалган гултувакларгача бор. Айниқса тинчлик ёдгорлиги композицияси ва металлургия заводи макети диққатингизни кўпроқ тортади. Моҳир қўллар шаънига тасаннолар айтасиз. Қўли гул ўқувчилар ҳақида гап кетганда кўпчилик ўқитувчи М. Жўраев, Ҳ. Аминов, К. Жўраева, Г. Худоёрова, С. Ниёзовларнинг номларини меҳр билан тилга олади.

Бу ерда болалар овқат пишириш, кийимларни дазмоллаш ва бошқа рўзғор юмушларини ҳам қунт билан ўрганмоқдалар.

Меҳнат фани ўқитувчилари Норбўта Нормўминов ва Лизаф Алмуҳамедовлар болаларга чўтка ясаш сирларини ўргатмоқда. Самарқанд чўтка ишлаб чиқариш корхонаси маъмурияти иқтисодий қийинчиликларга қарамай, чўтка тўқиш учун керакли хом ашёни етказиб бериб, интернат жамоасига яқиндан ёрдам бермоқда.

Бахрилло БЕРДИЕВ.

"КОМПЬЮТЕР-ШОУ" ТЕЛЕТАНЛОВИ БОШЛАНДИ

Улғайиб келаётган ёш авлодни компьютер билимдонлари этиб тарбиялаш ҳозирги кунининг энг долзарб вазифаларидан бирига айланаётир. Жамиятимизда компьютер саводхонлигига алоҳида эътибор берилиб, бир қатор ўрнак бўларли ишлар қилинмоқда.

Халқ таълими вазирлиги ва республика телерадиокомпанияси биргаликда мамлакатимиздаги ёшларни компьютердан билим олиш ва турмушда самарали фойдаланишни тарғиб қилиш, шу соҳада фаол шуғулланувчи истеъдодли ўқувчиларни аниқлаш мақсадида республикамиз миқёсида "Компьютер-Шоу" телетанлови ўтказишни ҳам режалаштирганлар.

Куни кеча республика ўқув-услубият марказида "Компьютер-Шоу"нинг дастлабки беллашуви ўтказилди. Унда Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманидаги 40-мактаб ва С. Раҳимов туманидаги 234-мактаб ўқувчилари бу борадаги билимларини намойиш этдилар. Шуниси аниқки, иккала мактаб ҳам бу соҳада анча муваффақиятларга эришганлар. 234-мактабда кўпгина фанлар компьютер воситасида ўқитилса, 40-мактабда ўқитувчи ва хизматчиларнинг маошлари ҳам компьютерда ҳисобланади, ундан ташқари бу мактаб ўқувчилари информатика фани бўйича ўтказилган туман, шаҳар, республика олимпиадаларида доимо совринли ўринларни эгаллаб келмоқдалар. 234-мактабнинг ал-Беруний жамоасини доцент Шомирза Шозиётов синовга тайёрлаган бўлса, 40-мактабнинг ал-Хоразмий жамоасига таниқли ўқитувчи, информатика дарслигининг муаллифи Турғун Азларов мураббийлик қилган. Устозларнинг иккаласи ҳам ф н номзодлари.

Хуллас, рақиблар бир-бирига жуда мос бўлганлигиданми, беллашув жуда қизиқарли ўтди.

М. ҚЎЧҚОРОВ.

ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ!

Республика мактабгача тарбия ходимларининг малака ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи курсида 1994 йил 1 декабрдан 27 декабргача навбатдаги машғулотлар бошланади.

Унга қуйидаги соҳалар мутахассислари таклиф қилинади:

1. Мактабгача тарбия муассасалари мудирлари.

2. Мактабгача тарбия муассасалари услубчилари.

Курсга келган тингловчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар ҳамда уларнинг йўл харажатлари ва суткалик ҳақлари курс ҳисобидан тўланади.

26 кунлик курсга келган тингловчилар санатория ва курорт варақалари билан институт қошидаги санаторий-профилакторийга 1—5 декабргача қабул қилинади.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Саидов кўчаси, 6-уй. Талабалар шаҳарчаси. Телефонлар: 46-06-62, 46-98-04.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, "Меҳнат резервлари" кўнгилли спорт жамияти Марказий кенгаши Тошкент вилояти "Меҳнат резервлари" КСЖ раиси муовини

Ўктам ТУРДИАЛИЕВ

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат Шарқшунослик институти эрон филологияси кафедраси ўқитувчиси

Барно ХЎЖАЕВА

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Тошкент давлат Шарқшунослик институти ҳинд филологияси кафедраси катта ўқитувчиси

Раҳмонберди МУҲАММАДЖОНОВ

вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти маъмурияти, касаба уюшмаси ва жамоаси педагогика кафедрасининг доценти Тошпўлат Усмоновга укаси

Шокиржон УСМОНОВ

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

"Истиқлол" кичик корхонаси ёпилади. Барча даъволар эълон чиққандан кейин бир ой ичида қабул қилинади.

«МАЪРИФАТ»

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.

Таҳрир ҳайъати: Умида АБДУАЗИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари, илова учун масъул), Алишер КАРИМОВ, Ғафур МАННОПОВ, Абдулла ОРИПОВ, Тотлимурод ОТАМУРОДОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (масъул котиб), Маҳкам РАҲМОНОВ, Маҳмуд САИДАҲМЕДОВ, Баҳром ҚОДИРОВ, Бегали ҚОСИМОВ, Абдунаби ҲАЙДАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.

Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Ғафур Маннопов, Шарофат Норқулова.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.—1246. 47894 нусхада босилди, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 Босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 21.10. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6